Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 22 (20. 290) • 1989 йил 28 январь, шанба • Баҳоси 3 тийин.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросида

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг 24 январда бўлиб ўтган мажлисида КПСС Марказий Комитетининг партия аграр сиёсатига доир Пленумига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.

Сиёсий бюро СССР халқ депутатлари сайловига тайёргарликнинг баъзи масалаларини кўриб чиқди. Сайлов кампаниясида КПССдан халқ депутатлигига номзодларнинг фаол иштирок этиши, уларнинг партия ташкилотларида ва меҳнат коллективларидаги, партия активлари билан учрашувлари муҳим аҳамиятга эга эканлиги айтиб ўтилди. Бу учрашувлар норасмий тусда бўлиб, КПСС Марказий Комитетининг «Партияга, совет халқига» Мурожаатномаси асосида партия сиёсатининг энг муҳим масалаларини ҳар томонлама муҳокама этишга хизмат қилиши керак.

Сиёсий бюро Чернобиль атом электр станциясида авария юз берганлиги натижасида радиоактив булғаниш рўй берган Белоруссия ССР районларида, шунингдек мамлакатнинг бошқа баъзи районларидаги ишларнинг аҳволини муҳокама қилди. Белоруссия ССРда аҳолининг турмуши ва меҳнат қилиши учун хавфсиз шароит яратиш юзасидан катта ҳажмдаги ишлар бажарилганлиги айтилди. Ўтган даврда ана шу мақсадларга қарийб 900 миллион сўм сарфланди. Бошқа жойга кўчирилган аҳоли учун умумий сатҳи 720 минг квадрат метрдан кўпроқ бўлган уй-жойлар, 400 га яқин социал ва маданий-маиший объектлар қурилди ва фойдаланишга топширилди. Бошқа районларда ҳам катта ишлар олиб борилганлиги таъкидланди.

Мазкур масала юзасидан қабул қилинган қарорда марказий иқтисодий органларга, министрлик ва идораларга маҳаллий партия ва совет ташкилотларининг иштирокида Чернобиль аварияси оқибатларини тугатиш билан боғлиқ комплекс ишларни бундан буён ҳам амалга ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар кўриш топширилди. Ана шу мақсадларга биринчи навбатда зарур маблағлар ва материал-техника ресурслари ажратиш кўзда тутилган. Чернобиль АЭСидаги авария оқибатларини тугатиш ҳукумат комиссияси (ўртоқ Б. Е. Щербина)га бу соҳада белгиланган тадбирларни рўёбга чиқаришни таъминлаш таклиф этилди.

Сиёсий бюро М. С. Горбачевнинг «Уч томонлама комиссия» вакиллари — АҚШ, Ғарбий Европа ва Японияннинг сиёсий арбоблари билан бўлиб ўтган учрашувлари якунларини кўриб чиқди. Ўтказилган суҳбат мазмунидан мамнуният изҳор қилинди. Суҳбат Ғарб жамоатчилигининг мамлакатимиздаги қайта қуриш жараёнларига қизиқиши ортиб бораётганлигини тасдиқлаб, янгича сиёсий тафаккур принципларига мувофиқ ҳамкорликни ривожлантириш учун қулай омиллар мавжудлигидан далолат беради.

М. С. Горбачевнинг Эрон Ислом Республикаси раҳбари Имом Р. М. Хумайний-дан унинг шахсий вакили Оятилло Жаводий-Аъмолий орқали мактуб олганлиги ва у билан бўлиб ўтган суҳбати якунлари тўғрисидаги ахбороти тингланди. Мактубда Эроннинг Совет Иттифоқи билан яхши қўшничилик муносабатларини давом эттиришга содиқлиги таъкидланади.

Эрон раҳбарининг мактуб йўллаши Совет — Эрон муносабатларини ривожлантиришда яхши нишона эканлиги уқтириб ўтилди. Совет Иттифоқи ва Эрон ҳамиша тинч-тотув, яхши қўшнилар бўлиб яшашлари, турли соҳаларда фаол ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилишлари учун барча шарт-шароит мавжуд.

Мажлисда Афғонистондаги можарони бартараф этиш билан боғлиқ ишларнинг аҳволи Э. А. Шеварднадзенинг Кобулга қилган амалий визити якунларини ҳам эътиборга олиб муҳокама қилинди. Иккала мамлакатнинг Афғонистондаги ва унинг теварагидаги аҳволи бартараф этишга ёндашувларида умумийлик мавжудлиги айтилади. Совет Иттифоқи Афғонистонда кенг асосдаги ҳукумат тузиш мақсадида афғонларо мулоқотни йўлга қўйишга бундан буён ҳам кўмаклашишга тайёрдир.

Оппозициядаги бир қанча гуруҳларнинг ва уларни қўллаб-қувватлаётган баъзи давлатларнинг афғон халқини уруш ва қон тўкишни давом эттиришга мажбур қилиш, Афғонистондаги иқтисодий турмушни издан чиқариш йўлидаги уринишлари афғонларнинг туб манфаатларига зид бўлиб, Афғонистон диёридаги ва умуман региондаги беқарорлик чўзилиб кетиши хавфини келтириб чиқариши таъкидланди. Халқаро жамоатчилик, афғон халқининг барча дўстлари бундай режаларни қатъиян барбод этишлари керак.

Совет Иттифоқи Женева битимларига доир ўз мажбуриятларига, Афғонистон билан дўстлик, ҳамкорлик ва яхши қўшничиликни мустаҳкамлаш ишига содиқ бўлиб қолмоқда.

Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгаш қатнашчилари бўлган давлатлар вакилларининг Вена учрашуви якунлари кўриб чиқилди. Венада келишиб олинган салмоқли якунловчи ҳужжат 1989 йил март ойида Европада оддий қуролли кучларга оид музокаралар мандати билан биргаликда халқаро ишларга янгича, реалистик ёндашувлар самарадорлигини намойиш этаётганлиги таъкидланди. Эришилган аҳдлашувларнинг хусусияти ва кўлами жиҳатидан Вена учрашуви халқаро ҳамда ички ишларда қайта қуриш йўлининг шак-шубҳасиз муваффақиятини, янгича фикрлаш қарор топаётганлигини яққол кўрсатади. 1991 йилда Москвада гуманитар масалаларга бағишланган конференция ўтказиш тўғрисидаги қарор бизда амалга оширилаётган қайта қуришга халқаро ишончнинг яна бир ифодаси бўлди.

Вена аҳдлашувлари улар қабул этилган пайтдан бошлаб амал қилишига асосланиб, СССРнинг тегишли министрликлари ва идораларига аҳдлашувларни амалга оширишга дарҳол киришиш тавсия этилди.

Сиёсий бюро Э. А. Шеварднадзе бошчилигидаги совет делегациясининг химиявий қуролни тақиқлашга бағишланган Париж конференциясидаги фаолиятини маъқуллади. Шу анжуманнинг фойдали якунларига таяниб, химиявий қуролнинг барча турларини яратиш, ишлаб чиқариш, тўплаш ва қўллашини тақиқлаш ҳамда уни тугатиш ҳақида энг қисқа вақт ичида халқаро конвенция тузиш учун барча соҳалардаги ишлари авж олдириб юбориш вазифаси қўйилди.

ПОЛЬША—СОВЕТ ДЎСТЛИГИ ЖАМИЯТИНИНГ XII СЪЕЗДИГА

Азиз ўртоқлар ва дўстлар!

Мамлакатларимизнинг халқлари ўртасида қадимдан ўзаро ҳурмат ва маънавий яқинлик туйғуси мавжуд. Мураккаб тарихий шароитларда ҳам сақланиб қолган бу анъаналар иккинчи жаҳон урушидан сўнг қудратли ривож топди, Совет Иттифоқи билан Польша ана шу урушда озодлик учун, башариятнинг умумий душмани — фашизмга қарши елкама-елка туриб жанг қилдилар. Қирқ йилдан кўпроқ вақтдан буён социалистик давлатларимиз ўртасида сиёсатда, экономикада, маданиятда кенг тармоқли ўзаро фойдали алоқалар муваффақиятли ривожланмоқда, совет ва польша гражданларининг шахсий муло қотлари кенг тус олди.

Совет-Польша дўстлиги халқларимизнинг буюк бойлигидир. Ҳозирги вақтда бу дўстлик ҳар иккала мамлакатдаги миллионлаб кишиларнинг иши бўлиб қолди. Бунда Польша-Совет дўстлиги жамиятининг, унинг кўп минг кишилик активларининг кўп йиллик хилма-хил фаолияти хизмати катта.

Съездингиз қизиқарли ва масъулиятли даврда тўпланди — Совет Иттифоқи ва Польша ижтимоий-сиёсий структурани янгилашнинг кўп қиррали жараёнларини бошидан кечирмоқда, социализм имкониятларини тўлароқ очиб берадиган энг мақбул шакллар ва усулларни излашни авж олдирмоқда. Бундай шароитда мамлакатларимиз ўртасида тажриба айирбошлаш ва ҳар томонлама ҳамкорликнинг аҳамияти ортади.

Азиз дўстлар, олижаноб ижтимоий фаолиятингиз учун самимий миннатдорчилигимизни, съездингиз ишига муваффақият тилаб билдирган истакларимизни қабул қилгайсиз.

Совет—Польша дўстлиги яшайверсин ва мустаҳкамланаверсин!

М. С. ГОРБАЧЕВ.

• 26 март—СССР халқ депутатлари сайлови куни

САЙЛОВГА ТАЙЁРГАРЛИК

Округ сайлов комиссиялари сайловолди кампаниясининг навбатдаги босқичи — округ сайловолди йиғилишларини ўтказиш ва СССР халқ депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш вазифалари — мазкур комиссиялар раисларининг 26 январь куни Тошкентда бўлиб ўтган кенгашида муҳокама қилинди. Унда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, республика Министрлар Совети, область партия комитетлари ва область ижроия комитетларининг масъул ходимлари қатнашдилар. Кенгашни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. П. Романовский очди.

Дастлабки маълумотларга қараганда, республикадаги 81 та сайлов округидан олтмиштадан ортиқроғида СССР халқ депутатлигига уч ва ундан кўп номзод кўрсатилди. СССР Конституцияси ва Сайлов тўғрисидаги Қонунга мувофиқ округ сайлов комиссиялари сайлов округларидан СССР халқ депутатлигига кўрсатилган номзодларни муҳокама этиш ва номзодларни рўйхатга олишга тақдим этиш тўғрисида қарор қабул қилиш учун округ сайловолди йиғилишларини ўтказишга ҳақлидир. Кенгашда бундай йиғилишларни ўтказиш чоғида СССР халқ депутатлигига номзодларнинг ҳам, сайловчиларнинг ҳам ҳуқуқлари камситилмаслигига эришиш зарурлиги таъкидланди.

Округ сайловолди йиғилишлари 23 февралга қадар давом этади.

(ЎзТАГ).

КОММУНИСТЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

ЖИЗЗАХ, 27 январь (ЎзТАГ мухбири). Совет Иттифоқи Коммунистик партиясидан СССР халқ депутатлигига номзод, «Малиқ» совхози пахтачилик бригадасининг бошлиғи Тўхтахон Қирғизбоева Жиззах шаҳрида бўлиб ўтган Сирдарё область партия активлари йиғилишида сўзга чиққанида унинг аввалига гоят ҳаяжонланганги сезилиб турди. Лекин Тўхтахон Бозоровна ўз ўртоқларини, республиканинг барча деҳқонларини ҳаяжонга солаётган муаммоларни қамраб олган сайловолди платформасини баён қилиб бера бошлаганида ҳаяжондан асар ҳам қолмади.

— Қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилишдаги буйруқбозлик-тазйиқ ўтказиш усулларидан узил-кесил қутулиш зарур, — деди у. — Бу усулларни оғизда ҳамма қораларди. Амалда-чи?! Ҳозир совхозимиз олган 3,5 миллион сўм фойдадан биз атиги 0,5 миллион сўмини ўз ихтиёримизга тасарруф эта оламиз. «Малиқ» совхози юксак рентабелли хўжалик бўлиб, барча кўрсаткичларни йил сайин бажараётганлигидан нима фойда? Ҳозирча биз ўз пулимизга ўзимиз эгалик қила олмаймиз. Худди шу сабабли, хўжалигимиз бадавлат бўлса ҳам, бизда уй-жой,социал-маданий-маиший объектлар етишмайди. Иқтисодий бақувват хўжаликларнинг кўпида ана шундай манзарани кўриш мумкин.

Ўз пулинг бўлгани билан ана шу пулга бирон нарса сотиб олиш имконияти ҳам бўлиши керак. Агар мени СССР халқ депутати этиб сайласалар, қурилиш материалларининг очиқ бозорини барпо этиш учун ҳаракат қиламан. Ана шундай бозор бўлган тақдирдагина пудратчилар олдингидек бизга ўз шартларини ўтказа олмайдилар. Умуман мен тўла мустақиллик ва хўжалик ишларида эркинлик имкониятлари — пахтачиликни муттасил ривожланиб боришининг муҳим шарти, деб ҳисоблайман.

Сўнгра сўзга чиққан коммунистлар Тўхтахон Қирғизбоеванинг сайловолди платформасини умуман мақуллидилар, уни тўлдирдилар, номзодга наказлар бердилар.

Учрашувдан сўнг Тўхтахон Бозоровна Қирғизбоева ўзининг ишончли кишиларига махсус гувоҳнома топширди.

Учрашувда Сирдарё область партия комитетининг биринчи секретари А. Ф. Клепиков ҳозир бўлди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросида

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг кенг доирадаги партия активлари иштирокида 25 январь куни бўлиб ўтган мажлисида Ўзбекистон Компартиясидаги ҳисобот ва сайловлар якунлари ва партия комитетларида қайта қуришни янада жадаллаштириш тадбирлари тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Республика партия ташкилотларида якунланган ҳисобот ва сайловлар партия XXVII съезди, КПССнинг XIX Бутуниттифоқ конференцияси қарорларини амалга оширишда муҳим босқич бўлганлиги таъкидланди. Ҳисобот ва сайловлар қайта қуриш жараёнидаги барча партия бўғинлари жанговарлигининг талабчан кўриги бўлди, партия ташкилотларининг соғломлашаётганидан, партия ички турмуши демократиялашаётганидан далолат берадиган бир қанча янги ижобий жиҳатлар билан ажралиб турди.

Йиғилишлар ва конференцияларнинг кўпи кенг ошкоралик, рўй-ростлик, талабчанлик, амалий танқид ва ўз-ўзини танқид вазиятида ўтди. Ҳисобот докладларини муҳокама қилишда 200 минга яқин коммунист иштирок этди, ҳар икки йиғилишнинг бирида, бир қанча конференцияларда партиясизлар сўзга чиқдилар. 113 мингдан кўпроқ танқидий фикр-мулоҳаза ва таклифлар айтилди. 1200 партия группаси, цех ва бошланғич партия ташкилотларида партия ташкилотчилари, секретарлар, бюро ва партия комитетларнинг иши қониқарсиз деб топилди. Партия ташкилотчилари ва партия ташкилотлари секретарларининг қарийб учдан икки қисми, район партия комитетларининг 12 секретари, шу жумладан 5 нафар биринчи секретарь бир неча номзоддан танлаб олиш асосида сайланди.

Партия ташкилотлари обрўсининг, коммунистлар сиёсий етуклигининг ошганлиги, уларнинг қайта қуриш ғоялари теварагига жипслашиши, жамиятимиз тараққиётининг ҳозирги босқичидаги энг муҳим муаммоларни муҳокама қилиш ва ҳал этишга реалистик ёндашув — ҳисобот ва сайловларнинг бош якуни бўлди.

Шу билан бир қаторда партия ташкилотлари ҳисобот ва сайловларни тайёрлаш ва ўтказиш чоғида КПСС Марказий Комитетининг 1988 йил июль Пленуми йўл-йўриқларини тўла амалга оширишга муваффақ бўлмадилар. Айрим область, шаҳар, район партия комитетлари ўз фаолиятларини танқидий нуқтаи назардан таҳлил этмадилар. Бир қанча ҳолларда ҳисобот докладларида жорий хўжалик масалаларига кўпроқ эътибор берилди, мазкур докладлар делегатларни масалаларни манфаатдорлик билан очиқчасига муҳокама қилишга рағбатлантирмади. Сайлаб қўйиладиган органлар составини шакллантиришда, демократия механизмини қўллашда журъатсизлик, қатъиятсизлик намоён бўлди. Партия ташкилотларининг анчагина қисми ишда сезиларли тарзда орқада қолмоқда, улар қайта қуришнинг амалий вазифаларини ҳал этишда ҳали ўз ўрнини топгани йўқ.

Ҳисобот-сайлов йиғилишлари ва конференциялари шундан далолат бериб турибдики, ҳали республика экономикасида янги хўжалик механизмининг афзалликларини тўла рўёбга чиқаришга муваффақ бўлинмади. Министрликлар ва идоралар ҳамон ўз ҳукмини ўтказаётганлиги, маъмуриятчилик, нореал планлар, асосланмаган нормативларни тиқиштириш хўжалик ҳисоби муносабатларини жорий этишга, ижара, оила пудрати ва пудратнинг бошқа шаклларини ривожлантиришга халал бермоқда. Бу меҳнат коллективларининг қонун йўли билан мустаҳкамлаб қўйилган мустақиллигини йўққа чиқармоқда, корхоналар хўжалик фаолиятидаги камчиликларни ва уларнинг молиявий аҳволини чигаллаштирмоқда.

Ҳисобот ва сайловлар давомида Марказий Комитет ва республика ҳукумати шаҳнига, маҳаллий партия совет органлари шаҳнига социал соҳанинг ҳаётий муҳим участкаларига раҳбарликдаги камчиликлар, меҳнаткашлар фаровонлигини ошириш юзасидан кўрилаётган тадбирлар дурустроқ натижа бермаётганлиги учун жиддий танқидий фикр-мулоҳазалар айтилди. Аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашда қийинчиликлар бор, узилишлар бўлиб турибди, энг муҳим озиқ-овқат маҳсулотларини киши бошига ишлаб чиқариш эҳтиёжлардан анча орқада қолмоқда. Халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришда туб ўзгаришлар бўлмади, арзон буюмлар ва болалар буюмлари турлари ғойиб бўлиб қолаётганлиги кузатилмоқда. Тобора кўп товарлар, жумладан ҳар куни зарур бўладиган товарлар тақчил бўлиб қолмоқда, харидорларнинг талаби қондирилмаётганлиги кишилар турмушини мураккаблаштирмоқда.

Ғоявий-тарбиявий ишни қайта қуришда кўпгина имкониятлар бой берилди. Партия комитетлари мазкур ишнинг ҳаёт билан, социал-иқтисодий ва тарбиявий вазифаларни амалда ҳал этиш билан боғланишига эришмадилар. Ватанпарварлик, интернационализм тарбиясидаги камчиликлар, идеология кадрлари ва активларнинг мунозара ва баҳс олиб боришга уқуви йўқлиги сезилиб турибди. Сафсатабозлик билан қилинаётган уйдирмаларга, муаммолар ва қийинчиликлардан ғаразли мақсадларда фойдаланишга уринишларга ҳамиша ҳам зарба берилмаяпти.

Ҳисобот-сайлов кампанияси кадрлар сиёсатида, партия ишининг услуб ва методларини такомиллаштиришда бир қанча камчиликлар борлигини кўрсатди.

Қабул қилинган қарорда Марказий Комитет Секретариати ва бўлимларининг, барча партия комитетлари ва бошланғич ташкилотларининг асосий вазифаси — аниқланган камчиликларни бартараф этиш, ҳисобот ва сайловлардан сабоқ чиқариб олиш, орттирилган тажрибани мустаҳкамлашдан иборатдир, деб таъкидланди. Энг муҳим, энг шошилинч муаммоларни коллектив муҳокама қилиш натижаларидан партиявий раҳбарлик форма ва методларини қайта идрок этиш, ташкилотчилик ва сиёсий ишни кучайтириш, XIX Бутуниттифоқ партия конференциясининг программавий йўл-йўриқларини амалга ошириш учун мазкур ишга кўпроқ жўшқинлик ва ишчанлик бахш этишда тўла фойдаланиш зарур.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюроси ҳисобот-сайлов кампанияси чоғида айтилган танқидий фикр-мулоҳазалардан жиддий собоқ чиқариб олиб, шу яқин орада республика аҳолисини жуда ҳаяжонга солиб турган бир қанча асосий муаммоларни батафсил кўриб чиқиш ниятидадир. Республикада миллатлараро муносабатлар муаммоларига бағишланган илмий-амалий конференция ўтказиш, кенг доирадаги партия-хўжалик активлари иштирокида савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасини ташкил этишда тартиб ўрнатиш чораларини кўриб чиқиш, шунингдек экология муҳитини соғломлаштириш ишини кўриб чиқиш мўлжалланмоқда. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленумида «Республикани социал ривожлантириш программасини амалга ошириш жадаллаштириш юзасидан партия ташкилотларининг кечиктириб бўлмайдиган вазифалари тўғрисида»ги масалани кўриб чиқиш назарда тутилмоқда. Янгидан сайланган партия ходимлари ва партия активлари ўқувини ўтказишнинг кенг тадбирлари белгиланди.

Бюро мажлисида шаҳар, район ва область конференцияларида республика органлари шаҳнига айтилган танқидий фикр-мулоҳазалар ва таклифларни амалга ошириш юзасидан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг тадбирлари маъқулланди. Область, шаҳар, район партия комитетларига ҳисобот-сайлов кампанияси чоғида тушган барча таклифлар юзасидан тўла-тўкис тадбирлар кўриш, бу ҳақда коммунистларни ўз вақтида хабардор қилиш, бирорта ҳам амалий таклиф диққат-эътиборсиз қолмаслигига эришиш топширилди.

• Бюро мажлисида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети биринчи секретари Р. Н. Нишоновнинг республикада СССР Олий Советининг халқ депутатлигига номзодлар кўрсатиш якунлари тўғрисидаги ахбороти тингланди. 81 та территориал ва миллий территориал округлар бўйича ҳаммаси бўлиб 465 киши номзоди кўрсатилди. Булардан 37,6 проценти — ишчилар ва колхозчилар, 35,3 проценти — хизматчилар, 80,6 проценти — КПСС аъзоларидир. Халқ депутатлигига номзодлар орасида республика территориясида яшаётган 18 миллат вакиллари бор.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросида Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ғ. Ҳ. Қодировнинг зилзила оқибатларини тугатишда Тожикистон ССРга шошилинч ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги ахбороти ҳам тингланди. Қардош республикага аэрофлотнинг бир нечта самолётида боғлаш материаллари, иссиқ кийим-кечак, кўрпа-тўшаклар жўнатилди. Резервдан пул маблағ, монолит уйсозликнинг кўчма комплекти, ғишт ишлаб чиқариш учун бешта агрегат комплекти, 50 та тўла йиғма уй ажратилди, экскаваторлар ва бульдозерлар жўнатилди.

Табиий офатдан зарар кўрган Тожикистон меҳнаткашларига жамоат ташкилотлари, министрлик ва идоралар шошилинч ёрдам бермоқдалар. Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ёрдам фондига 200 минг сўм ўтказишга қарор қилди, Соғлиқни сақлаш министрлиги дарҳол медицина ускуналари ва техника, ЛКСМ Марказий Комитети эса ўтов ва иссиқ кийим-кечак жўнатди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси зилзила оқибатларини тугатишда Тожикистон ССРга шошилинч ёрдам бериш юзасидан кўрилаётган тадбирларни маъқуллади.

• Депутатлар группаси ишламоқда

Оролга эътибор кучайтирилсин

Тошкентда, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президиумида 27 январь куни Орол денгизини сақлаб қолиш ва унинг ҳавзасида санитария ҳамда экология вазиятини соғломлаштиришга қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши устидан назорат қилувчи депутатлар группасининг мажлиси бўлиб ўтди. Бу группа ўтган йилнинг сентябрь ойида КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг «Орол денгизи районида экология ва санитария вазиятини тубдан яхшилаш, унинг ҳавзасида сув ва ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва уларни муҳофаза қилишни кучайтириш тўғрисида» қарор қабул қилганлиги муносабати билан ташкил этилган эди. Орол ва Орол бўйи муаммосини ҳал этишга бевосита алоқадор бўлган СССР Олий Совети, Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон АССР Олий Советлари депутатлари, таниқли олимлар, мутахассислар, партия ва совет ходимлари мазкур группа составига кирдилар.

Группа аъзолари мажлисга тўпланишдан аввал жойларда бўлиб, ана шу партия-ҳукумат ҳужжатини, шунингдек Қорақалпоғистон АССР табиат муҳитини соғломлаштириш, уни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштиришга қаратилган илгари қабул қилинган қарорларни назарда тутувчи катта ва сермазмун программа амалга оширилиши учун қандай конкрет ишлар қилинаётганлиги билан танишиб чиқдилар. Батафсил фикрлашиб олинди, асосий эътибор ҳал қилинмаган масалаларга, КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети қароридан келиб чиқадиган биринчи навбатдаги ташкилий, илмий-техникавий, социал вазифаларга қаратилди, уларни амалга ошириш йўллари белгилаб олинди.

Мажлисда депутатлар группасининг раҳбари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. П. Анишчев нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).

«Космос-1992» парвозда

1989 йил 26 январь куни Совет Иттифоқида «Космос» учирувчи ракетаси ёрдамида ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши «Космос-1992» учирилди.

(ТАСС).

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ЎРТОҚ М. М. МАЛИКОВни ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СУДИНИНГ РАИСИ ЭТИБ САЙЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

Ўртоқ Муҳаммадбобур Мажидович Маликов Ўзбекистон ССР Олий судининг раиси этиб сайлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети ўринбосари

Президиум Раисининг

А. РОМАНОВСКИЙ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари

Л. БЕКҚУЛБЕКОВА.

Тошкент шаҳри,
1989 йил 26 январь.

• ҚАРДОШЛИК ҚОНУНИГА БИНОАН •

Мамлакат Тожикистонга ёрдамга ошиқмоқда

ТАБИИЙ ОФАТ РАЙОНИДА

Беминнат мадад

ДУШАНБЕ, 26 январь. (ТАСС). СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Г. Г. Ведерников Тожикистонга келди. У бугун Ҳисор районининг етти балли зилзиладан вайрон бўлган бир қанча қишлоқларида бўлди, жойларда табиий офат оқибатларини тугатиш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар билан танишиб чиқди, маҳаллий аҳоли билан суҳбатлашди. Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг бюро аъзолари билан бирга Умумиттифоқ миқёсида зарур ёрдам ҳажми аниқланмоқда.

● **Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети Тожикистон касаба союзлари республика комитети номига икки юз минг сўм пул ўтказди.** Бу табиий офатдан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш фондига ўтказилган дастлабки маблағдир, холос. Ўзбекистон область ва тармоқ касаба союзлари ҳам ёрдам фондига маблағ ўтказишга қарор қилишди.

● **В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси қардош тожик халқига эллик минг сўм пул юборди.** Ёшлар шанбалик ўтказишга ва ундан тушган пулнинг ҳаммасини Тожикистонга ёрдам кўрсатиш фондига ўтказишга қарор қилдилар.

● **Ҳамза район комсомол комитети Тожикистонда рўй берган зилзила жабрдийдаларига иссиқ кийим-кечак жойланган йигирма бешта яшик жўнатди.** Район комсомол комитети табиий офат рўй бергандан сўнг дастлабки дақиқалардаёқ, маблағ ва иссиқ кийим-кечак йиғишни уюштирди, қардош тожик халқига ёрдам кўрсатиш учун қурувчилар бригадаларини ташкил эта бошлади.

(ЎзТАГ).

ЁРДАМГА ШАЙМИЗ

«Дўст бошингга кулфат тушганда билинади», — дейди халқимиз. Дарҳақиқат, арман биродарлари бошига тушган кулфатни, бутун совет халқи, қолаверса, дунёдаги тинчликсевар мамлакатлар ўз дарди деб қабул қилдилар. Бироқ ҳали Арманистон жароҳати битмай, Тожикистоннинг Ҳисор районида содир бўлган зилзила ҳақидаги хабар республикамиз шифокорларини қаттиқ қайғуга солди. Шу куниёқ Термиз орқали шикастланганларга медицина ёрдами кўрсатишга зарур бўлган жами 12 минг сўмлик дори-дармонлар, қон ўрнини босувчи дори-дармонлар, боғлов материаллари юборилди. Куни кеча эса яна қўшимча равишда 15 минг сўмлик дори-дармон ортилган махсус машина Тошкентдан Тожикистонга жўнаб кетди. Шунингдек, шикастланганда асқотадиган 16 минг сўмлик тиббий ёрдам кўрсатиш анжомлари ҳам қардошларимизга юборилди. Жароҳат кўрган беморларни стационарда даволашга эҳтиёж туғилса, республикамиздаги барча ихтисослашган клиникалар уларнинг соғлиқларини тиклашда зарур ёрдамларини аямайдилар.

Д. АСАДОВ,
Ўзбекистон ССР соғлиқни сақлаш министрининг биринчи ўринбосари.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг 30—40-йиллар ва 50-йилларнинг бошидаги даврда бўлиб ўтган репрессиялар билан боғлиқ материалларни қўшимча равишда ўрганувчи комиссиясида

Комиссия ўзининг навбатдаги мажлисида «Яҳудийлар антифашист комитети» деб аталган иш юзасидан репрессия қилинган кишиларни оқлаш билан боғлиқ материалларнинг кўриб чиқилиши ҳақида СССР Олий судининг ахборотини тингланди.

Улуғ Ватан уруши йилларида ташкил этилган яҳудийлар антифашист комитети бошқа жамоат ташкилотлари ва ҳаракатлари каби совет ва жаҳон афкор оммасини фашизм ёвузликларига қарши курашга сафарбар этиш юзасидан фаол иш олиб борди.

1948 йилнинг охирида комитет тарқатиб юборилди, унинг иши билан боғлиқ бўлган одамларнинг катта группаси қамоққа олинди. Давлатга қарши жиноят ва жосуслик фаолияти билан шуғулланишда асоссиз айблаш репрессия чораларини қўлланишга баҳона бўлди. СССР Олий судининг ҳарбий коллегияси 1952 йил июлида комитет раҳбарларини олий жазога ёки узоқ муддатли қамоқ жазосига ҳукм қилди.

1955 йилда ўтказилган текширишда «Яҳудийлар антифашист комитети» қатнашчиларига қўйилган айблар сохта эканлиги аниқланди. СССР Олий суди 1955 йил 22 ноябрда СССР Бош прокурорининг «Яҳудийлар антифашист комитети» деб аталган иш юзасидан хулосасини кўриб чиқиб, мазкур иш юзасидан барча маҳкумларга нисбатан чиқарилган ҳукмларни бекор қилди.

Ўша йилларда С. А. Лозовский, И. С. Фефер, И. С. Юзефович, Л. М. Квитко, П. Д. Маркиш, Э. И. Теумин, С. Л. Брегман (ўлимидан кейин), Л. С. Штерн КПСС аъзолигига тикланди.

Ўша вақтда суд ва партия йўли билан оқлаш ошкора бўлмай қолган эди. Комиссия СССР Олий судининг ахборотини кўриб чиқиб, мазкур хабарни матбуотда эълон қилишни зарур деб топди.

КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Партия контроли комитетининг Б. А. Шимелиович ва Д. Н. Гофштейн (ўлимидан кейин)ни партияга тиклаш ҳақидаги қарори маълумот учун қабул қилинди.

Сиёсий бюро комиссияси ишни давом эттирмоқда.

ОЗИҚ-ОВҚАТ ИНДУСТРИЯСИНИ ВУЖУДГА КЕЛТИРИШДА КЎПРОҚ ТАШАББУС КЎРСАТАЙЛИК

СССР Нефть ва газ саноати корхоналари қурилиши министрлиги ҳар сменада бир тонна колбаса тайёрлаб чиқарадиган ва икки тонна гўштни қайта ишлайдиган корхона лойиҳасини ишлаб чиқди. Бу ечимнинг алоҳида қиммати шундаки, бу ишчилар посёлкалари, район марказлари, агросаноат бирлашмалари, комбинатлари ва фирмалари учун мўлжалланган камроқ қувватли корхонадир. Бундай комплекс 20 мингга яқин аҳолини гўшт маҳсулотлари билан таъминлай олади.

Яна бир қимматли томони шундаки, бундай корхоналар яхлит, йиғма, яъни анча тез қурилиб, фойдаланишга топширилади ва мамлакатимизда ишлаб чиқарилган ускуналар билан жиҳозланади. Мамлакатда шундай корхоналар барпо этилиши билан қорамолларни сўйишга олиб боришдаги масофа қисқариб, гўштнинг нобуд бўлиши камаяди. Буларнинг ҳаммаси айниқса кичик шаҳарлар ва ишчилар посёлкаларида озиқ-овқат масаласини ҳал этиш учун ғоят муҳимдир.

СССР Нефть ва газ саноати корхоналари қурилиши министрлиги мамлакат практикасида биринчи марта колбаса маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун Москва областидаги ўзининг ишлаб чиқариш базасида шундай комплекс қурди. Мазкур министрлик, ана шу комплексни ишга туширгандан кейин СССР Давлат агросаноат комитети ва Центросоюз 1989—1995 йилларда мамлакатнинг турли регионларида 1750 та яхлит конструкциядаги гўштни қайта ишлайдиган корхоналар барпо этишга оид катта программани рўёбга чиқара бошлайди. Янги типдаги гўштни қайта ишлайдиган корхонани 26 январь куни Е. К. Лигачев ва В. П. Никонов, СССР Министрлар Совети Рансининг ўринбосари Б. Е. Шчербина келиб кўрдилар.

Нефть ва газ саноати корхоналари қурилиши министри В. Г. Чирсков қуйидагиларни маълум қилди: комплекс икки ойда қурилиб, лойиҳа ечимини пишиқтириш ва комплект — блок тарзида гўштни қайта ишлаш корхоналари қуришни йўлга қўйиш учун мўлжалланган. Министрлик яқин вақт ичида мол сўйиладиган ва гўштни қайта ишлайдиган тўла комплексли шундай корхонани йиғишга тайёргарлик кўрмоқда. Жойларда , қишлоқ районларида худди шундай корхоналар қурилишини айниқса кутишмоқда.

Химия ва нефть машинасозлиги министри В. М. Лукьяненко, мудофаа саноати министрининг биринчи ўринбосари С. П. Чернов, умумий машинасозлик министрининг биринчи ўринбосари Р. Р. Кирюшин, СССР Госснаби раисининг ўринбосари А. П. Бочков, СССР Давлат агросаноат комитети раисининг ўринбосари А. П. Ляпченков, Центросоюз раисининг ўринбосари Б. И. Гонтарь ҳукуматнинг мамлакатда яхлит тарздаги гўштни қайта ишлайдиган корхоналар кенг тармоғини ташкил этишга оид топшириғи қандай бажарилаётганлиги тўғрисида, ана шу мақсадлар учун зарур технология ва энергетика ускуналарини ишлаб чиқариш қандай йўлга қўйилаётганлиги ҳақида маълум қилдилар.

Е. К. Лигачев ва В. П. Никонов ўзларининг корхонада бўлишига якун ясаб, маҳсулотни қайта ишлаш саноатини жадал ривожлантириш муҳимлигини таъкидладилар. Нефть ва газ саноати корхоналари қурилиши министрлигининг ташаббускор иши мақтулланди. Қам қувватли корхоналар барпо этиш озиқ-овқат саноатини жойлаштиришга принципиал ўзгартишлар киритиб, уни кўп даражада қишлоқ хўжалик хом ашёси тайёрланадиган жойларга яқинлаштиради.

Ишлаб чиқилаётган техникавий ечимлар жаҳон даражасига мос бўлишига, хилма-хил турдаги ва юқори сифатли озиқ-овқат маҳсулоти ишлаб чиқаришни таъминлашига эътибор жалб этилди. Малакали кадрлар тайёрлаш, уларга яхши социал-маиший шароит яратиш тўғрисида олдиндан ғамхўрлик қилиш, уларнинг энг яхши корхоналарда, шу жумладан чет элларда стажировкадан ўтишларига имкон бериш зарур.

СССР газ саноати министри В. С. Черномирдин иштирокида газкомпрессор станциялари иссиқлигидан фойдаланиб, теплица хўжалигини ривожлантириш юзасидан қабул қилинган қарорларни бажаришни жадаллаштириш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

СССР Нефть ва газ саноати корхоналари қурилиши министрлиги агросаноат комплекси учун ишлаб чиқарилаётган машина-ускуналар кўздан кечирилди. Шахсий ёрдамчи хўжаликлар, оилавий фермалар, ижара коллективлари учун мўлжалланган турли конструкциядаги мотоблоклар катта қизиқиш уйғотди.

Масалаларни муҳокама қилишда КПСС Марказий Комитети бўлимларининг мудирлари И. И. Скиба, В. И. Шимко, КПСС Москва область комитетининг биринчи секретари В. К. Месяц, область ижроия комитетининг раиси И. М. Черепанов, СССР Госплани раисининг ўринбосари В. М. Серов, СССР Давлат агросаноат комитети раисининг биринчи ўринбосари Е. И. Сизенко, РСФСР министрликлари ва идораларининг раҳбарлари иштирок этдилар.

(ТАСС).

ЖОНАЖОН ВАТАНИМИЗДА

Болаларбоп кийимлар

● **ОЛТОЙ ЎЛКАСИ. Барнаул шаҳри кўчаларида бежирим ва чиройли кийинган кичкинтойларни тез-тез учратасиз. Кийимлари ўзларига бирам ярашган, кўриб ҳавас қиласиз. Бу кийимларни кимлар тайёрлаган?**

Бу кийимларни «Битовик» кооперативи аъзолари ишлаб чиқаришмоқда. Ўлканинг шаҳар ва қишлоқлари магазинларида, ҳаттоки, қўшни Новосибирск шаҳрида ҳам бундай маҳсулотлар жуда харидоргир.

Маҳсулотларнинг нархи анча қиммат. Бу ўринда кооператив аъзоларини танқид қилиб бўлмайди. Ахир, улар материалларни магазинлардан чакана нархларда сотиб оладилар-да. Айни пайтда пайдо бўлаётган муаммоларни йўл-йўлакай ҳал этишга тўғри келинмоқда. Кўргазма залини очиш, ишлаб чиқариш шохобчаларини жойлаштириш масаласида қийинчиликлар мавжуд.

Суратда: «Битовик» кооперативи ўғил болалар учун тиккан комбинезонлар.

Янги линия

● **Москвадаги Очаков пиво-алкоголсиз ичимликлар комбинатида янги қуюв автомат линияси ишга туширилди.** Унинг ёрдамида бир соатда 48 минг шишага ичимлик тўлдирилади. «Мосагропромспецремстрой» бирлашмаси мутахассислари бу линияни Ғарбий Германиянинг Сен ва Альборя фирмаси билан ҳамкорликда ўрнатдилар.

Суратда: янги автомат линияси ёнида.

В. САДЧИКОВ ва Р. ДЕНИСОВ фотоси (ТАСС).

ПЛАНЕТАНИНГ БИР КУНИ

Социализм мамлакатларида

МУВАФФАҚИЯТЛАР ВА КАМЧИЛИКЛАР

● **ХАНОЙ. Мамлакат бутун территорияси бўйлаб меҳнат ресурсларини оқилона тақсимлаш, янги иқтисодий районларни ўзлаштириш Вьетнам халқ хўжалигини ривожлантиришнинг муҳим вазифасидир, деб ёзади «Нян зан» газетаси.**

1981 йилдан 1987 йилгача аҳоли зич жойлашган Тхайбинь, Хайхинг, Ханамнинь ва бошқа бир қанча вилоятлардан тоғдаги вилоятларга ҳамда Тэйнгуен ясси тоғига 1,9 миллион киши кўчиб ўтган. Қўриқ ерларнинг катта-катта майдонлари ўзлаштирилди, кофезорлар, қора мурч, каучук дарахтлари майдонлари барпо этилди, ер ёнғоқ ва соя экилмоқда. Ана шу иқтисодий зона аста-секин ВСРнинг экспорт қилинувчи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириб берадиган етакчи зонасига айланмоқда.

Янги иқтисодий районларни ўзлаштириш ва ривожлантиришдаги муваффақиятлар билан бир қаторда, деб таъкидлайди газета, жиддий камчиликлар ҳам мавжуд. Бу камчиликлар асосан меҳнат ресурсларини территорияларга тақсимлаш чоғида аниқ-пухта план бўлмаганлиги ва ҳаракатлар мувофиқлаштирилмаганлиги билан боғлиқ. Кўчиб келаётганларга барча районларда ҳам уларнинг турмуши ва ишлаши учун зарур шароит яратилган, деб бўлмайди.

МИЛЛИЙ ЭНЕРГЕТИКА ОДИМИ

● **ГАВАНА. Энергетика қувватларини планли равишда кўпайтириш ва янги электр узатиш линияларини барпо этиш ўтган йилнинг охирида Кубада мамлакатни электрлаштириш даражасини 88 процентга етказиш имконини берди.**

«Гранма» газетасининг хабар қилишича, шу бугунга қадар республика миллий энергетика тармоғига 2 миллиондан ортиқ квартира ва гражданларнинг алоҳида уйлари, социал-маиший аҳамиятга эга бўлган 150 минг корхона ва объект уланган.

Революция ғалабаси арафасида Куба аҳолисининг ярмигина, асосан шаҳарларнинг аҳолиси электрдан фойдаланган. Халқ ҳокимиятининг 30 йили мобайнида Кубада электр энергия ишлаб чиқариш етти баравар кўпайди. (ТАСС).

Хабарлар оқимидан

ЯКДИЛ БАҲО

Швеция, Норвегия ва Финляндия ташқи сиёсат маҳкамалари раҳбарларининг кенгашида Яқин Шарқдаги аҳволни бартараф этиш муаммолари муҳокама қилинди. Швеция ташқи ишлар министри Стен Андерссоннинг журналистларга маълум қилишича, фикрлашувлар ана шу комплекс масалаларга баҳо беришда унинг қатнашчилари яқдил эканлигини тасдиқлади.

ҚЎШИМЧА ТАДБИРЛАР

Греция ҳукуматининг Афинада тугаган фавқулодда мажлисида терроризмга қарши курашга оид қўшимча тадбирлар кўриб чиқилди. Бош министр А. Папандреу раислигида ўтган Мажлис мана шу ойда Афинада уч марта террорчилик ҳужумлари рўй берганлиги муносабати билан чақирилди. Ана шу жиноятлар натижасида юқори мартабали юстиция ходимларидан бири ўлдирилди ва икки киши ярадор қилинди.

ЮКСАК МУКОФОТ

Машҳур совет актёри Лидия Федосеева-Шукшина режиссёр Генрик Бельскийнинг «Янушек ҳақида баллада» кўп серияли телевизион фильмида бош аёл ролини ижро этганлиги учун Польшада чиқадиган «Экран» ҳафталик газетасининг ҳар йили бериладиган «Олтин экран» мукофотига сазовор бўлди.

«Олтин экран» мукофотининг бошқа лауреатлари орасида Польшанинг машҳур телевизион публицистика усталари, оммабоп кўрсатувлар муаллифлари ва уларни олиб борувчилар бор. «Олтин экран» мукофоти бу йил 25-марта берилди. (ТАСС).

ДЎСТЛИК КЕЧАСИ

26 январь куни Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа Ўзбекистон жамиятида Ҳиндистоннинг миллий байрами — Республика кунига бағишланган Совет — Ҳиндистон дўстлиги кечаси бўлиб ўтди. Кечада Совет — Ҳиндистон дўстлиги жамияти Ўзбекистон бўлимининг активлари, Тошкент жамоатчилигининг вакиллари, республика пойтахтидаги олий ўқув юртларида таълим олаётган ҳинд студентлари иштирок этдилар.

Совет Иттифоқи ва Ҳиндистон халқлари ўртасидаги дўстона муносабатлар тобора мустаҳкамланмоқда ва ривожланмоқда, деб таъкидланди кечада. Икки томонлама муносабатларни мустаҳкамлашга Ўзбекистон катта ҳисса қўшмоқда. Экономика, савдо, фан ва техника, маданият соҳасидаги ҳамкорлик ривожланмоқда. Ўтган йили Ҳиндистонда СССР ва СССРда Ҳиндистон фестивалларининг ўтказилганлиги халқларимизни яна ҳам яқинлаштирди.

Кечада Ҳиндистон Республикасининг Тошкентдаги Бош консули Йогендра Кумар иштирок этди.

(ЎзТАГ).

ЧЕТ ЭЛЛИК ЖУРНАЛИСТЛАР ТОЖИКИСТОНДА

ДУШАНБЕ. (ТАСС мухбири). Зилзила районига келган жаҳон ахборот агентликларининг вакиллари Тожикистондаги табиий офат кўламларини кўздан кечирдилар.

Ер ости силкиниши 11 минг кишини бошпанасиз қолдирди. Шунинг учун журналистлар ёрдам бериш учун қандай чоралар кўрилаётгани билан қизиқдилар. Тожикистон ССР Министрлар Советининг Раиси И. Х. Ҳаёев оилаларни бошқа жойга кўчириш билан шуғулланаётган ташкилотнинг иши тўғрисида, йиғма уйлар ва ўтовлар етказиб берилаётганлиги ҳақида гапирди. Ҳукумат бошлиғининг эътироф этишича, ҳозирча унча кўп иш қилинмади: қисқа муддат ичида бундай муаммони бирданига ҳал этиш қийин. Чунки, уй-жойлардан ташқари, 30 га яқин қишлоқ мактаби авария ҳолатида. Зотан, болалар ўқишида ўзилиш бўлмаслиги керак. Вақтинча машғулотлар кўп ўринли чодирларда олиб борилади.

Шу куни Душанбеда матбуот конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияни Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Қ. М. Маҳкамов олиб борди. Журналистларнинг саволларига республика ҳукуматининг аъзолари, таниқли олимлар ва мутахассислар жавоб қайтардилар.

ОБЪЕКТИВДА — ГРЕЦИЯ

Афина шаҳри марказидаги Тотувлик майдони.

А. РЎЗИЕВ фотоси.

ИСТЕЪФО

Социалистик Югославиянинг 45 йиллик тарихида биринчи марта унинг ҳукумати истеъфога чиқишга мажбур бўлди. Икки ярим йил муқаддам ҳукумат раиси Бранко Микулич ана шу лавозимга ЮСФР Скупшчинасининг ҳар иккала палатаси томонидан яқдил овоз билан сайланган эди. Ўша пайтдаёқ у «Ривожланишнинг ҳужумкор сиёсати» программасини эълон қилган, ишлаб чиқариш ҳажмларини, валюта тушуми ва импорт кенгайишини оширишни, стагнацияни бартараф этиш ҳамда қадрсизланишини жиловлашнинг муҳим шартлари деганди. Ўша куниёқ Скупшчина 31 кишидан иборат янги Иттифоқ ижроия вечасини (ҳукуматини) тайинлади. Улар орасида бир академик, 11 фан доктори ва уч фан кандидати бор эди.

Югославия экономикасининг аҳволи ўша кезда танг бўлиб, янги ҳукумат олдида жуда нозик вазифа турарди. Гап шундаки, у хўжалик юритиш ва бозор мезонларининг иқтисодий усулларига «жадал ўтиш» мажбуриятини зиммасига олганди. Буни тангликдан қутилишнинг ва экономикани барқарор шароитларда самарали ривожланиш изига ўтказишнинг мумкин бўлган ягона йўли, деб ҳисобланганди.

Ҳукумат истеъфога чиқиш чоғида ҳам, унинг мандати бошланган вақтда ҳам пулнинг қадрсизланиши (86 процент) энг мураккаб муаммо эди. Пулнинг қадрсизланишини тўхтатишга қаратилган барча уринишларга қарамай, у икки ярим йил давомида қарийб уч баравар кўпайди (1988 йилнинг охирида 250, 2 процентга етди). Бу Бранко Микулич ҳукумати тақдирини ҳал этди. Ҳукумат баъзи соҳаларда катта муваффақиятларга эришсада, хўжалик юритиш шароитларини барқарорлаштириш учун курашнинг асосий жабҳасида мағлубиятга учради. Бу эса ишончни йўқотишнинг асосий сабабидир.

Умумий баҳоларга кўра, Микулич ҳукумати икки йил давомида янглиш сиёсат ўтказган. Ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, экономикани молиявий жиҳатдан мустаҳкамлаш учун курашиш, яъни «ривожланишнинг ҳужумкор сиёсатини» ўтказиш ўрнига муросачилик билан шуғулланди. Ўз ваъдаларига содиқ бўлиш ва маъмурий чораларга кўл урмаслик ўрнига дам иш ҳақини, дам нархни оширма'ї қўйди. Натижада ўтган йил майда Иттифоқ ижроия вечаси биринчи марта ишонч ҳақидаги масалага тўқнаш келди. Скупшчина ҳукуматининг машҳур «май мажмуаси» деб ном олган нарх, импорт ва валюта бозорини қамраб олган янги иқтисодий программасини маъқуллади. Бироқ ҳукумат бундан кейин ҳам ва расмий таназзулга қадар ўз ҳаракатларида изчил бўлмади, пулнинг қадрсизланиши энг муҳиш тахминлардан ҳам ошиб кетди. Аҳоли турмуш даражаси ва реал даромадларнинг доимий пасайиши, ишлаб чиқариш ҳажмларининг камайиши нарх-наво бениҳоя ошаётган бир шароитда таҳликали кўламга етди.

Мамлакатни 959 кун идора этган ҳукумат иқтисодий сиёсатга бир томондан—республикалар ва ўлкалар манфаатлари тўқнашуви, иккинчи томондан ишчилар синфи тазйиқи — иш ташлашлар ва оммавий норозиликларнинг ўсиши йўл бермади, деб ўзини оқламоқчи бўлди. Ҳолбуки, республикалар ва ўлкалар манфаатлари иқтисодий муваффақиятлар ҳақида гап борганда, инкор этилмаслиги ёки ҳисобдан чиқариб ташланмаслиги керак. Аксинча улар ҳукумат тадбирларининг иқтисодий мантиқи ва умумсиёсий йўлига мувофиқлаштирилиши керак. Ишчилар синфининг норозиликларига келганда, унга ҳамма жойда тўсиқ омили сифатида қараб бўлмайди.

Югославия февралда, нари борганда март ойида янги ҳукуматли бўлади. Унинг дастлабки ва асосий вазифаси ўзидан олдинги Иттифоқ ижроия вечасининг «меросини» бартараф этишдир. Ҳозир Иттифоқ ижроия вечасининг янги бошлиғи лавозимига номзод сайловлари бўйича сиёсий маслаҳатлашувлар кетмоқда, уни ЮСФР Президиуми социалистик иттифоқнинг иттифоқ конференциясига таклиф этади. Сўнгра номзод ёки номзодлар ҳақидаги ўз фикрини барча республикалар ва ўлкалар билдиради. Шундан кейин мамлакат президиуми янги ҳукуматни тузиш мандатини кимга топшириш ҳақида узил-кесил қарор қабул қилади. Бу иш январь охирида тугалланади. Шундан сўнг бўлғуси бош министр ўз кабинетининг аъзоларини танлай бошлайди.

Югославия Скупшчинаси ҳар иккала палатанинг (Союз вечаси ҳамда республикалар ва ўлкалар вечаси) қўшма мажлисида янги бош министр ва янги ҳукуматни тайинлайди. Янги ҳукумат учун биринчи имтиҳон — экономикани соғломлаштириш бўйича тадбирлар программасини таклиф этишидир.

Бранко СТОШИЧ, ТАНЮГ обзорчиси. (ТАНЮГ — АПН).

Биласизми...

ТОҒНИ ТИНЧ ҚЎЯЙЛИК

● Жаҳондаги энг баланд чўққи — Эверестни бундан қарийб чорак аср муқаддам забт этган Янги Зеландия альпинисти Эдмунд Хиллари Катманду шаҳрида сўзга чиқиб, «Тоғни тинч қўйиш зарур, тоғ одам изларидан тозаланиши учун Эверестга беш йил дам бериш керак», деди.

Ҳақиқатан ҳам энг баланд чўққини забт этиш учун қизиқувчилар сафи кўпайиб бораётир. Бу эса тоғ атрофини нфлослантириб юборяпти.

ВУЛҚОН УИҒОНДИ

● Кагосима вилоятидаги (Япония) Сакурадзима вулқони яна «уйғонди». 1040 метр баландликдаги кратер устида олов ва кул «тили» пайдо бўлди. Энг актив вулқонлар шу йилнинг бошидан буён биринчи марта ўз кучини кўрсатди. Ўтган йилги вулқон отилишидан буён 63 кун ўтган эди.

Мутахассислар бу ерни диққат билан кузатиб туришибди. Лекин ноқулай обҳаво шаронти уларнинг ишини бироз қийинлаштирмоқда.

ЎЗИГА ХОС РЕКОРД

● Ўтган йили Японияда ўзига хос рекорд ўрнатилди: 12 миллион 699.803 та автомобиль ишлаб чиқарилди.

Япония машинасозлари уюшмаси ҳисоб-китобларига кўра бу 1987 йил кўрсаткичига қараганда 3,7 процент кўпдир. Шу билан бирга Япония машиналарини хорижий элларга жўнатиш камайиб кетди. Бу рақам 6,1 миллионни ташкил этди.

СПОРТЧИНИНГ ЯНГИ МАРРАСИ

● Хоккей майдонида ҳам ўйинчи энг кўп очко тўплаши мумкинми? Ишқибозлар бунга тасдиқ жавобини беришади. Рақиб дарвозасига киритилган гол, командадошига шайбанинг аниқ ошириши натижасида дарвозанинг забт этилиши билан ўйинчи очко олади.

Канада профессионал хоккейи ўйинчиси Грецки ҳозирча бу соҳада ўзиб кетган. Унинг умумий кўрсаткичи 1771 очкога етди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми авиация техникасини ўзлаштириш ва ундан фойдаланишдаги фаол иштироки, илғор технологияни ишлаб чиқиш ва жорий этишга қўшган катта ҳиссаси учун Ўзбекистон Граждан авиацияси бошқармаси инженерлик-авиация хизмати бош инженерининг ўринбосари ўртоқ Алексей Васильевич **Перепелицнинга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган транспорт ходими»** фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ёшларга коммунистик тарбия ва таълим беришдаги хизматлари, область ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги фаол иштироки учун Тошкент халқ хўжалиги институти Андижон филиали марксизм-ленинизм кафедрасининг мудири ўртоқ Константин Маркович **Наринскийга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими»** фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашдаги хизматлари, область идеология кадрларини тайёрлашга қўшган катта ҳиссаси учун Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти КПСС тарихи ва илмий коммунизм кафедрасининг мудири, Ўзбекистон Компартияси Бухоро область комитети марксизм-ленинизм университетининг ўқитувчиси ўртоқ Вячеслав Гегамович **Саакова «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими»** фахрий унвони берди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ЎРТОҚ А. ЙЎЛБАРИСОВНИ «ЖАМОАТ ТАРТИБИНИ САҚЛАШДАГИ АЪЛО ХИЗМАТИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Қуролланган жиноятчини ушлаш чоғидаги дадил ва қатъий ҳаракатлари учун Тошкент область Оҳангарон район ижроия комитети ички ишлар бўлими бошлиғининг ўринбосари ўртоқ Абдукарим Йўлбарисов СССР Олий Совети Президиуми номидан «Жамоат тартибини сақлашдаги аъло хизмати учун» медали билан мукофотланди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. РОМАНОВСКИЙ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Л. БЕКҚУЛБЕКОВА.

Тошкент шаҳри, 1989 йил 19 январь.

* * *

Ноябрь байрами тунида жиноятчи турмадан қочди. У ашаддий жиноятчи бўлиб, ўғрилик, босқинчилик ва одам ўлдиришда «ўзини кўрсатган» эди.

Оҳангарон район ички ишлар бўлимига телефон орқали ташвишли хабар берилди. Цемент заводининг қоровули цехлардан бирида маълум қилиниши тўғрисида огоҳлантиришдан жиноятчига жуда ўхшаш бир киши ялтираб олганини ғоят ҳаяжонланиб айтди.

Милиция майори А. Йўлбарисов жиноятчини қўлга олиш учун сафарбар этилган группага бошчилик қиларди. У бу жиноятчи тўғрисида орқаворотдан эшитган, ҳатто уни илгари ҳам ушлашга бир неча бор ҳаракат қилган эди. А. Йўлбарисов жиноятчи осон таслим бўлмаслигига амин эди. У шериклларини цехнинг ёпиқ эшиклари олдига юборибди, ўзи ойнадан аста хонага эпчиллик билан кириб олди. Жиноятчи бундай бўлишини кутмаган эди. Бироқ тезда ўзини ўнглаб олди.

— Яқинлашма, миршаб, ёриб ташлайман, — деди хириллаб у пичоқ ўқталганча. — Мен ҳеч нарса йўқотмайман...

— Аммо сени қўлдан чиқариш менга қимматга тушади, — деди Абдукарим ва ўйлаб ўтирмай, унга яқинлашди.

Қаттиқ олишув бошланди. Жиноятчи ёш, бақувват, айни вақтда қуролланган ва олишув усулларини яхши биларди. Аммо майор Йўлбарисов ҳамкасблари орасида зўр самбочи, деб бежиз ном чиқармаган эди. У жиноятчининг қўлини қайириб, ундан пичоқни тортиб олишга муваффақ бўлди... Шу орада ёрдам ҳам етиб келди.

(ЎзТАГ).

ИЖАРАЧИЛАР ЎҚУВИ

ШАҲРИСАБЗ («Совет Ўзбекистони» мухбири). Мироқи посёлкасида ижара пудратини ўрганишга бағишланган машғулотлар қизғин бормоқда. Унда Қашқадарёдаги колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари, партия ташкилотларининг секретарлари, агросаноат комплекси системасига қарашли қишлоқ хўжалик корхоналари ва область ташкилотларининг мутахассислари қатнашмоқдалар.

Тингловчилар ҳузурида агросаноат комплексининг етакчи мутахассислари, партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлари, совхоз директорлари ва колхоз раислари, малакали иқтисодчилар, тажрибали бригада бошлиқлари лекция ўқимоқдалар.

Ижара пудрати, хўжаликни бошқаришнинг бошқа янги усуллари ва иқтисодий ислоҳотга доир лекция ва суҳбатлар бўлиб ўтяпти. Тингловчилар Шаҳрисабз райони хўжаликларида ижара пудратининг йўлга қўйилиши билан боғлиқ тажрибаларни ҳам ўрганадилар. Уч ой давомида курсда 1500 га яқин тингловчи ўз малакасини оширади.

М. КАРОМОВ.

ХАЛҚ КОНТРОЛИ САҲИФАСИ

1989 йил январь № 1 (307)

Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети тасдиқлаган «Гўшт етиштириш программаси» бўйича Самарқанд область колхоз ва совхозлари беш йилликнинг уч йили ичида гўшт ва сут етиштиришни анча миқдорда кўпайтириши лозим эди. Белгиланган режалар бажарилмай қолди. Гўшт етиштириш фақат 2 процент, сут эса 12 процент ўсди, холос. Хўш, сўз билан иш ўртасида бу хилда катта фарқ содир бўлишига нималар сабаб бўлди?

• *Муаммо муаммолигича қоляпти*

САНАМАЙ САККИЗ ДЕМАНГ

САМАРҚАНД ОБЛАСТИ ХЎЖАЛИКЛАРИДА ГЎШТ ВА СУТ ЕТИШТИРИШДА ҚОЛОҚЛИК ДАВОМ ЭТЯПТИ

ШОҲИГА ЧЕРТСА ЙИҚИЛГУДЕК

✦ ҲАР ҚАНДАЙ план ва режалар фақат амалий иш билангина рўёбга чиқади. Самарқандда ана шу оддий ҳақиқат унутиб қўйилди. Чорвачилик билан боғлиқ ишлар ярим-ёрти бажарилди. Ўзибўларчилик, ҳўжасизлик, масъулиятсизлик авж олди. Тармоққа ишбилармонлик билан ёндашилмади.

Масалан, Самарқанд зонасидаги хўжаликларда ўтган йилнинг тўққиз ойи ичида 47,3 минг бош қорамол гўшт учун топширилган бўлса, ҳар бир қорамол программада белгиланган 410 килограмм ўрнига 335 килограмм, Пайариқ, Советобод районларида эса ундан ҳам кам тош босди. Топширилган чўчқа ва қўйлар вазни ҳам енгил бўлди. Фақат шунинг ҳисобига область 5,5 минг тонна гўштни бой берди. Булардан ташқари хўжаликларда ўта ориқ 10,2 минг бош қорамол, 12,9 минг бош чўчқа, 11,8 минг бош қўйни ноилож ликдан сўйиб юборишга мажбур бўлишди. Бу ҳам 2,4 минг тонна гўштнинг кам етиштирилишига сабаб бўлди. Моллар яхши парвариш қилинмаётгани сабабли Булунғур ва Пастдарғом районларида ҳар бош қорамол суткасига фақат 130-260 граммдан этланган, Пастдарғом районидаги «Москва» колхозида моллар ориқ, аммо ҳисоботларда ҳамма иш рисоладагидек кўрсатилган.

ҚУЙИН ТЎЛА ПУЧ ЕНҒОҚ

✦ ОБЛАСТДА «Сут программаси»ни бажаришда ҳам ана шундай аҳвол ҳукм сурянти. Шу сабабли область бурноғи йилдагига нисбатан 1,7 минг тонна сут кам етиштирди. Оқдарё ва Иштихон райони хўжаликлари эса сут сотиш миқдорини 6-10 процент камайтириб юбордилар. Область бўйича ўтган йилнинг 11 ойида соғин сигирлардан республика умумий кўрсаткичидан ҳам кам сут соғилди. Пастдарғом районидаги «ВЛКСМ 60 йиллиги», «Память Ленина», Калинин номли колхозларда озуқа рациони бузилгани сабабли ҳар бош сигирнинг кунлик маҳсулдорлиги атиги 4-5 килограммни ташкил этди.

Кўпгина хўжаликларда моллар чорва комплексидан ташқарида асралаётир. Шу сабабли сут етиштиришнинг поток-цех усули қўлланилмаяпти. Сут паст сортларда топширилаётганининг ўзи хўжаликларга 2,7 миллион сўмлик иқтисодий зарар келтирди. Пастдарғом районидаги «Москва» ва Калинин номли колхозларда етиштирилган сутнинг ҳаммаси сифатсиз бўлгани сабабли сортларга киритилмай қабул қилинди.

Гўшт ва сут етиштиришдаги бундай қолоқликка молларнинг насли яхшиланмаётгани, подада сигирлар бош сони камлиги, бузоқ олиш озайиб кетганлиги ҳам сабаб бўляпти. Ўстирилган ғунажинларнинг ярмидан кўпроғи подага қўшилди, холос. Юқумли касалликлар теккани сабабли планда белгиланган 1200 ўрнига атиги 50 бош наслдор ғунажин сақлаб қолинди. Областда четдан келтирилган наслдор ғунажинларни сақлаб қолиш ва самарали фойдаланиш ҳам ночор аҳволда. Хўжасизлик оқибатида кейинги уч йил ичида олиб келинган наслдор ғунажинларнинг учдан икки қисмигина сақлаб қолинди.

СИЙЛАСАНГ СИГИР БИЛАР

✦ ҚОЛХОЗЛАРДА қиш мавсуми жуда қийинчилик билан ўтяпти. Чунки ўтган йилдагига қараганда анча кам озуқа тайёрланди, силос бостириш, илдиз мевали озуқа жамғариш планлари бажарилмай қолди. Бунинг устига рақам кетидан қувиб озуқа сифатини эсдан чиқаришди. Айниқса сенаж ва силос тайёрлашда ана шундай хол кўпроқ содир бўлди. Пастдарғом районидаги «ВЛКСМ 60 йиллиги» совхози ва Карл Маркс номли колхозда 288 тонна турли хил озуқалар чириб кетди. Булунғур районидаги «Ўзбекистон» совхозида эса контрол ўлчов ўтказилганида, тайёрланмаган анчагина сенаж ҳисоботга қўшиб ёзилгани маълум бўлди. Пастдарғом районидаги Карл Маркс номли колхозда эса чорва молларига аллақачон едириб юборилган бедани ҳам ҳисоботда «тайёрланган сенаж», деб кўрсатишди. Хўжаликларда озуқа цехлари ишламаётгани учун емхашак қайта ишланмай охурларга солинаяпти.

ПУДРАТ — ҚУДРАТ ДЕЙИШАДИ-Ю...

✦ ИШНИ ташкил этишнинг янгича усуллари — тармоқни ривожлантиришнинг ишончли омили. Бироқ кўпгина хўжаликларнинг раҳбарлари бу ишга расмиятчилик билан ёндашиб, оилавий ва ижара пудрати усулларини жуда суст жорий этишяпти. Область бўйича 177 сут етиштирадиган бригададан 5 тасигина ижара пудрати усулига ўтди. Оила пудрати эса умуман жорий этилмади. Молларни бўрдоқига боқиш бўйича фақат саккиз бригада ижара, 32 та бригада оилавий пудрат усулида ишлаяпти. Ижара пудратчи коллективлар атиги 2,3 минг тонна сут ва 5,5 минг тонна бўрдоқи тўшти етиштиришди, холос.

Областдаги баъзи хўжаликларда молларнинг бош сони ва етиштирилган маҳсулот миқдори тўла ҳисобга олинмай ўғирлик учун шароит яратиб берилаётир. Пастдарғом районидаги «Москва» колхози, Булунғур районидаги Улуғбек номли, Ленин номли, «Ўзбекистон» совхозларида халқ назоратчилари текшириш пайтида 282 бош сигир ва ғунажинлар ҳисобга киритилмай яшириб қолинганини аниқладилар. Советобод районидаги «Улус» совхози раҳбарлари бир неча йил мобайнида нобуд бўлган ва мажбуран сўйиб юборилган қўйларни ҳисоботдан яшириб келмоқдалар. Пастдарғом районидаги «Партия XXII съезди», Булунғур районидаги Ленин номли, «Ўзбекистон» колхозлари раҳбарлари эса сўйиб юборилган молларнинг жами бир тоннадан кўпроқ гўштини ҳисоботга киритмадилар.

ДАРД УСТИГА ЧИПҚОН

✦ ҚОРАМОЛЛАР ўртасида сил ва бруцеллёз касалликларининг тарқалганлиги область чорвачилигига жиддий зарар етказди. Самарқанд қишлоқ хўжалик институти олимлари чиқарган хулосага кўра, хўжаликлар, шунингдек область ветеринария хизмати мутахассисларининг масъулиятсизлиги сабабли фермаларда 20 йилдан бери ана шундай касалликлар давом этиб келяпти. Область агросаноат комитети ветеринария хизмати ветеринария қонунчилигига хилоф тарзда иш тутиб келган, касалликларни аниқлашни сифатсиз ўтказган. Ташвишли аҳволни яхши, деб кўрсатиш мақсадида сил касаллигига чалинган қорамоллар атайлаб ветеринария ҳисоботларида кўрсатилмай яшириб келинган.

Ўтган йили сил ва бруцеллёз касаллигига чалинган қорамолларнинг кўп қисми гўштга топшириб юборилди. Хўжаликлар бунинг оқибатида 3,4 миллион сўм зарар кўрдилар. Булунғур районидаги хўжаликларда касаллик тарқалганига қарамай, бош ветеринария врачи А. Латипов уни ветеринария ҳисоботида қайд этмай келди. Каттақўрғон районида ҳам касал моллар борлиги яширилди. Пастдарғом район бош ветеринария врачи И. Бозоров бу хавфли касаллик тарқалганлигини узоқ вақт давомида ҳужжатларда кўрсатмай келган. Синчиклаб текширилганида райондаги 15 та хўжаликда ҳам кўп моллар касаллангани маълум бўлиб қолди.

Самарқанд гўшт комбинати маъмурияти халқ назоратчиларига ветеринария хизмати ходимлари ишини фош этадиган ҳужжатларни берди. Унда қайд этилишича, бу ерда кейинги 7,5 йил давомида сўйилган қора молларнинг 5 минг боши, шу жумладан ўтган йилнинг биринчи ярмида 1,1 минг боши силга чалинган экан. Шу сабабли 837 тонна мол гўшти қайнатиб зарарсизлантирилган, 221 тонна гўшт эса йўқ қилиб ташланган. Бу хўжаликларга 2,9 миллион сўмлик иқтисодий зарар етказган. Умуман, область хўжаликлари молларнинг касалланишидан 9 миллион сўм зарар кўрдилар.

Моллар орасида юқумли касалликлар кенг тарқалганлигига қарамай, область агросаноат комитети, шунингдек республика Давлат агросаноат комитети ва унинг бош ветеринария бошқармаси раҳбарлари айбдор шахсларга нисбатан узоқ вақт давомида муросасозлик қилиб келдилар. Уларни жавобгарликка тортиш ўрнига ишдан ишга кўчириш билангина чекланилди. Масалан, область агросаноат комитети ветеринария бўлими бошлиғи Э. Ҳамидов асосий ойлик маошига 50 сўм миқдорида кандидатлик устама ҳақини ҳам тўлаган ҳолда Пастдарғом хўжаликлараро комплексига бош ветеринария врачи қилиб ўтказиб қўйилди. Каттақўрғон район бош ветеринария врачи Т. Халилов ҳозир қорақўл етиштирувчи йирик саноат комплексида, Булунғур район бош ветеринар врачи А. Латипов эса область матлубот союзи қишлоқ хўжалик бошқармасида бош ветеринария врачи бўлиб ишламоқдалар.

АРҒАМЧИГА ҚИЛ ҚУВВАТ

✦ САМАРҚАНД областидаги корхона ва ташкилотлар ёрдамчи хўжаликлари ўтган йилнинг тўққиз ойида атиги 81 тонна гўшт ва 493 тонна сут етиштирдилар. Кўпгина хўжаликларда ҳисоб ва ҳисобот ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилди. Экин майдонларидан қониқарсиз фойдаланилмоқда.

Масалан, Булунғур ремонт ишлаб чиқариш бирлашмаси ёрдамчи хўжалиги шу пайтгача ўзига биркитилган 50 гектар ерни ўзлаштира олмади. «Узсельхозхимия» ишлаб чиқариш бирлашмаси ёрдамчи хўжалигига кўпдан бери чорва озуқаси етиштириш учун қўшимча ер ажратиш масаласи ҳал бўлмай келаётир. Большевик ва Булунғур ремонт ишлаб чиқариш корхоналари ёрдамчи хўжаликларида эса ҳар бош сигирдан кунига икки литрга етар-етмас сут соғиляпти. Пастдарғом ремонт-ишлаб чиқариш корхонаси ёрдамчи хўжалиги раҳбарлари сўкимга боқилган қорамолларни ишчиларга сўйиб тарқатиш ўрнига бозорда сотиб юборишди. «Узсельхозхимия» Булунғур районлараро ишлаб чиқариш бирлашмаси ёрдамчи хўжалигида эса соғилган сутнинг асосий қисмини совхоз ва сут заводига сотиб юборишди.

Ана шу нуқсонлар Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети раисининг ўринбосари Х. Исканов, ветеринария бош бошқармаси бошлиғи С. Нодиров, республика сил ва бруцеллез касалликларига қарши курашиш экспедицияси бошлиғи Р. Тен ўртоқларнинг ўз вазифаларига масъулиятсизлик билан ёндашаётганликлари, чорвачиликни ўз ҳолига ташлаб қўйганликлари сабабли рўй бермоқда. Тўғри, Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитети тармоқдаги аҳволни чуқур ўрганиб, айбдор шахсларга нисбатан қаттиқ жазо чораларини кўрди. Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети ва Самарқанд агросаноат комитети раҳбариятига рўй берастган камчиликларни тугатиш юзасидан зарур тадбирлар ишлаб чиқиш ва уни зудлик билан амалга ошириш вазифасини топширди.

Озиқ-овқат программасини бажариш учун барча зарур чораларни кўриш ва унинг изчил бажарилишига эришиш партия, совет ва хўжалик ходимларининг бу иш қониқарсиз аҳволдалиги, қаровсиз қолдирилган 300 килограмм олтингугурт исроф бўлганлиги аниқланди. Комитет колхоз правлениесига ўз вазифасига бепарво муносабатда бўлган хўжалик энтомолог агрономи М. Қодировдан келтирилган зарарни ундириб олишни ҳавола қилди. Бош агроном Ж. Муқимовга ишда йўл қўйган камчиликларни тугатиш вазифаси топширилди.

Колхоз халқ назоратчилари техника воситаларини асраш, уларни кўкламги экиш мавсумига тайёрлаш ишларини ҳам текширишди. Рейд пайтида марказий ремонт устахонасида техника воситалари ёмон асралаётгани, ремонтчилар учун зарур шароит яратиб берилмаганлиги, экиш мавсумида қўлланиладиган техника сифатсиз ремонт қилинганлиги аниқланди.

Халқ назоратчилари текширувидан кейин ремонт устахонасида ишлар яхшиланди. Территория тозаланиб, тартибга келтирилди. Техника хавфсизлиги, ўт ўчириш воситалари бутланди. Ремонтчилар махсус кийим-бош билан таъминландилар, улар учун дам олиш хонаси ажратилди.

Яқинда иккинчи участка колхозчилари қурилиш материаллари ташиб келтиришда қийналишаётганлиги, давлат трактори ёки автомашинасидан фойдаланаётган ҳайдовчилар эса ўзлари хоҳлаганча кира ҳақи ундираётганлигидан шикоят қилишди. Комитет аъзолари ўзаро маслаҳатлашиб, умуман хўжаликда аҳолига пулли хизмат кўрсатиш масаласига бағишлаб кенг миқёсли текшириш ўтказишга қарор қилдилар. Натижада колхозчиларга қурилиш материаллари ташиб бериш, томорқаларини шудгорлаш, ғўзапоя ўриб-ташиб келтириш сингари юмушлар тартибга солинди. Давлат машина ва тракторларидан ўзбошимчалик билан фойдаланишга, колхозчиларнинг оворагарчиликларига чек қўйилди.

Колхозда ўтган йили пахта, дон, сабзавот, полиз, гўшт ва сут етиштириш планлари уддаланди. Энг муҳими, хўжаликда маблағ ва меҳнат сарфини оширмасдан самарадорликка эришилди. Турли кўринишдаги нобудгарчиликлар, колхоз мулкига чанг солиш сингари иллатларга қарши кескин чоралар кўрилди. Буларда, шубҳасиз, колхоз халқ назоратчиларининг хизмати катта бўлди.

Биз юқорида Сирдарё районидаги Ленин номли колхозда ташкил этилган ягона текшириш органи — халқ контроли комитетини областдаги дастлабки қадам, деб атадик. Ўтган бир йилда ушбу тажриба ўзини тўла оқлади. Шундай экан, бошқа хўжаликларда ҳам текшириш ишларини ана шундай тарзда ташкил этиш зарур.

Р. ИСЛОМОВ,
Ў. ОЧИЛОВ,
«Сирдарё» газетаси ходимлари.

• *Қайта қуриш қандай боряпти?*

Сирдарё районидаги Ленин номли колхозда ихчам, таъсирчан ва кенг кўламли ягона контрол системаси вужудга келтирилди. Областдаги бу ягона тажриба контрол органи ўзидаги халқ контроли бош группаси ва тўртта пост, партия ва касаба союз ташкилотлари комиссиялари, «Комсомол прожектори» штаби ҳамда хўжалик тафтиш комиссияси базасида ташкил топди.

Ҳозир колхоз халқ контроли комитети составида ўн бир киши, 6 та штатсиз бўлимда эса 24 киши ишлаяпти.

Хўжаликнинг янги контрол органига тўла мустақиллик берилди. Комитет раиси бошқа ишлардан озод қилиниб, унга хўжалик бош мутахассислари даражасида маош белгиланди.

— Назорат иши бу хилда қайта қурилгани ўзини оқламоқда, — дейди Сирдарё район халқ контроли комитети раиси Бобо Зухуров. — Рейд ва текширишлар сони камайган бўлса ҳам, аммо улар самарали, таъсирчан бўляпти.

Самарали қадам

Дарҳақиқат, шундай. Масалан, халқ контроли комитети минерал ўғитлар қандай асралаётгани бўйича ўтказган текширишда бу иш қониқарсиз аҳволдалиги, қаровсиз қолдирилган 300 килограмм олтингугурт исроф бўлганлиги аниқланди. Комитет колхоз правлениесига ўз вазифасига бепарво муносабатда бўлган хўжалик энтомолог агрономи М. Қодировдан келтирилган зарарни ундириб олишни ҳавола қилди. Бош агроном Ж. Муқимовга ишда йўл қўйган камчиликларни тугатиш вазифаси топширилди.

Колхоз халқ назоратчилари техника воситаларини асраш, уларни кўкламги экиш мавсумига тайёрлаш ишларини ҳам текширишди. Рейд пайтида марказий ремонт устахонасида техника воситалари ёмон асралаётгани, ремонтчилар учун зарур шароит яратиб берилмаганлиги, экиш мавсумида қўлланиладиган техника сифатсиз ремонт қилинганлиги аниқланди.

Халқ назоратчилари текширувидан кейин ремонт устахонасида ишлар яхшиланди. Территория тозаланиб, тартибга келтирилди. Техника хавфсизлиги, ўт ўчириш воситалари бутланди. Ремонтчилар махсус кийим-бош билан таъминландилар, улар учун дам олиш хонаси ажратилди.

Яқинда иккинчи участка колхозчилари қурилиш материаллари ташиб келтиришда қийналишаётганлиги, давлат трактори ёки автомашинасидан фойдаланаётган ҳайдовчилар эса ўзлари хоҳлаганча кира ҳақи ундираётганлигидан шикоят қилишди. Комитет аъзолари ўзаро маслаҳатлашиб, умуман хўжаликда аҳолига пулли хизмат кўрсатиш масаласига бағишлаб кенг миқёсли текширишни ўтказишга қарор қилдилар. Натижада колхозчиларга қурилиш материаллари ташиб бериш, томорқаларини шудгорлаш, ғўзапоя ўриб-ташиб келтириш сингари юмушлар тартибга солинди. Давлат машина ва тракторларидан ўзбошимчалик билан фойдаланишга, колхозчиларнинг оворагарчиликларига чек қўйилди.

Колхозда ўтган йили пахта, дон, сабзавот, полиз, гўшт ва сут етиштириш планлари уддаланди. Энг муҳими, хўжаликда маблағ ва меҳнат сарфини оширмасдан самарадорликка эришилди. Турли кўринишдаги нобудгарчиликлар, колхоз мулкига чанг солиш сингари иллатларга қарши кескин чоралар кўрилди. Буларда, шубҳасиз, колхоз халқ назоратчиларининг хизмати катта бўлди.

Биз юқорида Сирдарё районидаги Ленин номли колхозда ташкил этилган ягона текшириш органи — халқ контроли комитетини областдаги дастлабки қадам, деб атадик. Ўтган бир йилда ушбу тажриба ўзини тўла оқлади. Шундай экан, бошқа хўжаликларда ҳам текшириш ишларини ана шундай тарзда ташкил этиш зарур.

Р. ИСЛОМОВ,
Ў. ОЧИЛОВ,
«Сирдарё» газетаси ходимлари.

АЛДАГАНИ БОЛА ЯХШИМИ?

Қизиқ, район мутасадди раҳбарлари оғизда «Болалар бизнинг келажагимиз!», «Ҳамма яхши нарсалар болаларга!» дейишса-ю, амалда эса оддий ойна топиб беришолмаса, айни қиш пайтида совуқда дийдираб ўтирган болаларга эмас, балки қоғозларга қараб иш юритишни афзал кўришса? Бу ўз бурчига, масъулиятига нисбатан бюрократларча муносабат эмасми? Акс ҳолда боғча-ясли барвақт ремонтдан чиқарилиб, қишли-қировли кунларга пухта ҳозирлик кўриб қўйилган бўларди.

Район партия, Совет органлари боғчаясли фаолиятини фақат қоғозлар орқалигина тасаввур этаётгани болаларнинг турмуш тарзи, саломатлигига салбий таъсир кўрсатяпти. Болаларнинг турли касалликларга чалиниши тобора кўпайиб бормоқда. Кейинги 10 ой давомида болалар орасида уч маротаба юқумли касаллик билан оғриш ҳоллари рўй берди. Шамоллаш орқали касалликка чалиниши эса 374 маротаба қайд этилди.

Шу райондаги 208-болалар боғчасидаги аҳвол ҳам бундан қолишмайди. Бу ерда мавжуд уч корпуснинг биттаси ремонт қилинаётгани баҳонасида болаларни дам олиш, овқатланиш пайтларида санитария-гигиена талабларининг қўпол равишда бузилишига йўл қўйиляпти. Катта ҳамшира И. Ескинанинг асосий иш кунлари бюллетенда ўтаётгани туфайли узоқ вақтдан буён болаларнинг қандай ўсиб, улғаяётгани ҳақида аниқ маълумот — медицина хулосаси йўқ. Болалар кийимини қўядиган шкафларнинг на тутқичи, на елкабанди бор. Ўйинчоқлар, зарур жиҳозлар етишмайди.

Рейд давомида Куйбишев районидаги 150-болалар боғчасида ҳам ана шундай аҳволга дуч келдик. Болалар боғчаси мослаштирилган бинога жойлашган бўлиб, кичкинтойлар учун етарли шароит яратилмаган. Дам олиш хоналари тор. У ерда ҳар бир болага ажратилган жой нормадаги 6—7 квадрат метр ўрнига, атиги бир квадрат метрга ҳам тўғри келмайди. Идиш-товоқ ва бошқа керакли жиҳозлар етишмайди. Бунинг сабабини суриштирганимизда, болалар боғчасига баъзи зарур жиҳозлар 1982 йилнинг февраль ойидан буён келтирилмагани маълум бўлди.

Киров районидаги 253-болалар боғчасида ҳам жиддий камчиликлар бор. Канализация ишламайди. Ювиниш хонаси ремонтга муҳтож. Шунингдек, 40 нафар болага бор-йўғи 18 та кийим шкафи тўғри келади. Бундан ташқари сут, қатиқ, пишлоқ, балиқ ва тухум каби озиқ-овқат турлари «Базада йўқ», деган баҳона билан мунтазам етказиб берилмайди.

Шуниси ачинарлики, рейд давомида текшириш ўтказилган Тошкент шаҳридаги 12 та болалар боғчаси ва мактабгача тарбия муассасаларининг деярли ҳаммаси жорий ремонтга муҳтожлиги аниқланди. Кўпчилигида ёстиқ жилдлари, чойшаблар узоқ вақтдан буён ишлатилавериб, ўнгиб кетган. Бунинг устига улар вақтида алмаштирилмайди. Умуман, бошқа ҳолларда ҳам санитария-гигиена талабларига риоя қилинмайди.

Болаларга тайёрланаётган овқат турлари аксарият ҳолларда бир хил, болалар учун зарур витаминлар нормадагидан анча кам. Бунга асосан боғча-яслиларни сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари, айниқса сут, қатиқ, пишлоқ, тухум, балиқ, картошка билан таъминлашдаги жиддий нуқсонлар сабаб бўляпти. Масалан, Куйбишев районидаги 367-болалар боғчасида 10 килограмм картошка тозаланганда, унинг 8 килограмми чиқитга чиқиб кетганини қандай изоҳлаш мумкин? Бундай мисолларни бошқа жойлардан ҳам келтириш мумкин. Боғча-яслиларга берилган картошкаларнинг сифатсизлиги туфайли улар ишлатиб улгурмасданоқ чириб кетяпти. Уни акт тузиб ҳисобдан чиқарадиган ёки ташвишли аҳвол билан яқиндан қизиқадиган одамнинг ўзи йўқ. Ачинарлиси, 12 та болалар муассасаси омборхоналарининг биронтасида ҳам қиш учун етарли озиқ-овқат маҳсулотлари жамғарилмаган.

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, Тошкент шаҳар ва бир қатор районлар мутасадди раҳбарлари болалар боғчалари ва мактабгача тарбия муассасалари фаолиятига етарли эътибор беришмаяпти. Рейд давомида аниқланган камчилик ва нуқсонлар ушбу раҳбарлар болаларга қулай шароит яратиш биринчи галдаги вазифа эканлигини оғиздагина таъкидлаб, амалда эса алдагани бола яхши қабилида иш юритишаётганини кўрсатиб турибди.

Т. ХОНХЎЖАЕВ,
Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитети бўлими мудири.

Г. САТТОРОВА,
Узсовпроф матбуот маркази мухбири.

А. МАДАТОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

«Совет Ўзбекистони» газетаси редакцияси, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети матбуот маркази ва Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитетининг қўшма рейди

Ишлаб чиқариш сифати ва самарадорлигига эришиш, ҳар бир соҳада иқтисод қилиш ва тежамкорликни таъминлаш «СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси халқ назоратчилари фаолиятида муҳим ўрин эгаллаган. Бу соҳада айниқса А. Шулк раислик қилаётган 26-цех халқ контроли группаси ибрат кўрсатмоқда. Бу ерда ҳар бир иш участкаси, халқ назоратчиларининг доимий эътиборида бўлаётир.

СУРАТДА: халқ назоратчилари С. Шулженко ва. Л. Насибуллаева ускуналар қандай созланганлигини текширишмоқда.

Р. ШАРИПОВ фотоси.

ИМКОНИЯТЛАР ЕТАРЛИ, БИРОҚ...

Туямўйин сув омборидан Урганчга водопровод ўтказиляпти. Ана шу ишларга раҳбарликни таъминлаш учун қурилиш дирекцияси ташкил этилди. Бироқ, дирекция ҳамма имкониятлар яратиб берилганига қарамай, ўзига юклатилган вазифани мукаммал адо этаётгани йўқ. Тадбиркорлик, изчил назорат етишмаяпти. Яқинда область халқ контроли комитети текшириш ўтказиб ана шундай хулосага келди. Масалан, дирекция иш билан ўз вақтида таъминламагани учун 2534-автоколоннага 114,9 минг сўм жарима тўлашга мажбур бўлди.

Бу ерда ҳисоб ва ҳисобот ишларида ҳам тартиб йўқ. Қурилиш ташкилотлари ва муассасалар билан вақтида ҳисоб китоб қилиб борилмаяпти. Бунинг устига дирекция аппаратида ортиқча штатларга ҳам йўл қўйилаётир. Баъзи ходимлардан бошқа соҳаларда фойдаланиш, штат интизомини бузиш каби воқеалар ҳам содир бўляпти. Ўтган йили худди ана шу сабаблар билан 1512 сўм маош нотўғри тўланди.

Область халқ контроли комитети қурилаётган Туямўйин — Урганч водопроводи дирекцияси раҳбари П. Солаев ва бош инженери Р. Собировга қаттиқ ҳайфсан берди. Р. Собировга 300 сўм начёт солинди. Энди гап — ишда йўл қўйилаётган хатоларни зудлик билан тугатишда.

М. ВАҲОБОВ.

• *Ташвишли сигналлар*

Ҳолва деган билан...

Корхонани янги техника ва технология билан қайта қуроллантириш — ишлаб чиқариш сурати ва сифатини оширишнинг муҳим гарови. Намангандаги «Электротрем» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош заводида эса ана шу муҳим йўналиш унутиб қўйиляпти. Бунинг ўрнига хўжасизлик ва исрофгарчилик катта.

Корхонада ишлаб чиқаришга илғор технологияни жорий этиш бўйича инженерлик хизмати ҳам яхши ташкил этилмаган. Шу сабабли бошланган ишни ниҳоясига етказиш муддатларини кейинга суриш одат тусига кирган. Масалан, сув қайнатгичларнинг яхлитлигича прессланган бандларини жорий этиш 1983 йилдан бери йил сайин кейинга суриб келинмоқда.

Корхонада 1988 йилда режалаштирилган 31 тадбирдан 22 тасигина амалга оширилди. Ана шу сабабли планда белгиланган 459 минг сўмлик ўрнига 287,2 минг сўмлик иқтисодий фойда олинди, холос. Қиймати 90 минг сўмлик программалаштирилган бошқариш автомат манипулятори ўз вақтида жорий этилмади. Электроимпульсли дастгоҳ, деталларни штамповка қиладиган махсус жиҳозлар комплекси, программалаштирилган бошқарув контакт-пайвандлаш агрегати ишламаяпти. 128 минг сўм сарфлаб тайёрланган ва ўрнатилган тайёр маҳсулотларни чиқариш конвейерини такомиллаштириш ишлари ҳам олиб борилмаётир. Ҳолбуки, автомат ва ярим автоматларнинг ишлаб чиқаришдаги ўрни фақат 3 процентнигина ташкил этмоқда. Асосий ишлар эса қўл кучи билан бажариляпти. Завод директори Ҳ. Нажмиддинов ва бош инженери Р. Абдуллаев корхонани янги техника ва технология билан қайта қуроллантириш ишидаги бундай сусткашликка бепарволик билан муносабатда бўлмоқдалар.



Р. ҚОДИРОВ.

«Тез ёрдам»ми, ё...

«Тез ёрдам» ўз номи билан аталганидек аҳолига тез медицина ёрдами кўрсатишга даъват этилган. Аммо Фарғона областидаги узоқ район ва қишлоқларда «Тез ёрдам» ҳақида асло бундай деб бўлмайди.

Тошлоқ районида кейинги бир йилда 4 минг кишига медицина ёрдами ўз вақтида кўрсатилмади. Фрунзе районида эса 3 минг бемор «Тез ёрдам»ни соатлаб кутишга мажбур бўлишди. Текшириш ўтказилган районларда назорат йўқлиги сабабли баъзи «Тез ёрдам» машиналари юқумли касалликлар билан оғриган, шунингдек иситмаси баланд беморларни ташиш билан шуғулланишяпти. Бу эса «Тез ёрдам» қондасига хилофдир.

Областдаги узоқ районларда тез ёрдам хизмати кўрсатиш ёмонлигига ана шу соҳа малакали кадрлар билан етарли таъминланмаганлиги сабаб бўляпти. Баъзи «Тез ёрдам» станцияларида 10 киши ўрнига 2 нафаргина врач ишламоқда. Шунинг учун беморлар ҳузурига кўпинча фельдшерлар боришади. Фрунзе районидаги «Тез ёрдам» хизмати ходимлари, қатъий мажбурий тартиб ва интизомга қарамай, таблеткали дориларни ишлатишмоқда. Врачларнинг дори қутилари зарур доридармонлар билан таъминланмаяпти. Одатдаги 64 хил дори ўрнига 30-40 хил дори-дармонгина берилаётир.

«Тез ёрдам» станциялари район марказий касалхоналарининг бўлими ҳисобланади. Бироқ ана шу касалхоналар бош врачлари беморларга «Тез ёрдам» медицина хизматини кўрсатиш сифати қандай эканлигини изчил назорат қилиб бормаётирлар. Натижада диагноз қўйиш касалликни аниқлаш ва даволашда кўпдан-кўп чалкашликларга йўл қўйилмоқда.

В. ШТАПОВ.

Сўфизода таваллудининг 120 йиллигига

БИРИНЧИ ХАЛҚ ШОИРИ



Ўзбекистон Марказий Ижроия Комитети 1926 йилнинг 27 февраль Фармони билан икки ўзбек адибига шўро адабиёти олдидаги катта хизматларини тақдирлаб, фахрий унвон берди. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий — халқ ёзувчиси, Муҳаммадшариф Сўфизода — халқ шоири деган юксак унвонга мушарраф бўлган эдилар.

Афсуски, халқ ва ҳукумат эътироф этган ҳар икки истеъдоднинг қисмати фожиали якун топди. Маърифат ва озодлик душманлари Ҳамзани шу воқеадан уч йил ўтгач, Шоҳимардон тоғларида тошбўрон қилиб ўлдиришди. Сўфизода 1937 йилда шахсга сиғиниш қурбони бўлди, «халқ душмани» сифатида нобуд қилинди. Ҳамза фожиадан ўн йил сўнг — 1939 йилдан ижодкор сифатида қаддини тиклай бошлади. Ва, ҳозирда ҳақли суратда адабиётимизнинг кўрки бўлиб турибди. Мана бу йил таваллудининг қутлуғ 100 йиллиги кенг кўламда байрам қилинади. Тўла асарлар тўпламининг беш жилдлиги нашр қилинмоқда. Бу лардан қувонмоқ керак, ал батта.

Бироқ, шоир Сўфизоданинг кейинги тақдири қийин кечди. Унинг 20 варақлик биргина шеърий китобчасини чиқариш учун 30 йилдан ортиқ вақт керак бўлди. 1968 йилда адабиётшунос Т. Расуловнинг ғайрат ва ташаббуси билан шоирнинг 23 шеъри тўпланиб, алоҳида китобча ҳолида нашр қилинди. «Ўзбек совет адабиёти тарихи» уч томлигига у ҳақда мақола киритилди. Аммо, 21 йил ўтибдики, Сўфизода ҳақидаги ўша материал ва маълумотлар ўзгаришсиз келади. Тўғри, унда-мунда, масалан, республика юбилейи каби муносабатлар билан тилга олиниб турди. Кўрсатув, эшиттириш, ёдлов мақолага ўхшаш нарсалар ҳам қилинди. Лекин бирор жиддий тадқиқот яратилмади, тўғрироғи, бундай ишлар рағбатлантирилмади. Буни шундан ҳам билса бўладики, ўтган шунча оралиқ вақтда лоақал бирор шеъри топилган, ҳатто қайта босилган эмас. 23 шеърни ўз ичига олган 1968 йилги «Тароналар»эса аллақачон кутубхоналарнинг нодир китоблар бўлимидан жой олган.

1935 йилда шоирнинг 65 йиллик тўйи ўтказилиб, 214 шеъри босмага тайёрланганини маълум қилдилар. Бироқ уларнинг тақдири ҳамон қоронғу.

Сўфизода илк ўзбек совет шеъриятининг забардаст вакилларидан. Аслида табиатан чинакам шоир бўлган, бутун юриш-туриши, феъл-сажиясидан ҳозиржавоблик, топқирлик ёғилиб турган, гапини ичида қолдирмайдиган, айни пайтда шеърга, гўзалликка ҳарис бу қалам эгаси 214 шеър билан кифояланган бўлиши ҳам эҳтимолдан узоқ, албатта. Иккинчидан, оддий меҳнаткашнинг дарду ғамини, ташвишу қувончини бу қадар содда, халқона ифодалаган, деярли ҳар бир сатри халқ ҳикмати билан йўғрилган шоирларимиз кўпми?!

20-йиллар шеъриятимиз, айниқса, Улуғ Октябрь революциясини маънавий тайёрлаш ва Туркистонда уни амалга оширишда бевосита иштирок этган инқилобчи адабий авлод ижоди, шу жумладан, Сўфизода асарлари бу ишда катта ёрдам берган, деб айта оламиз. Негаки, юртнинг бошида кечган ҳар бир тўй, ҳар бир аза даставвал унинг шоирлари кўксида акс-садо берган, сўнг элга таралган. Сўфизода эса эл севган шоирлардан эди. Унинг айрим шеърлари ҳали чоп этилмасданоқ тилдан тилга ўтиб, халқ орасида машҳур бўлиб кетган.

Сўфизода 90-йиллардаёқ даврнинг энг халқчил шоири Муқимийнинг муносиб издоши бўлиб танилди. Шаккоклиги учун «кофир» деган ном олди. Мутаассиблар ҳатто тошбўрон қилдирмоқчи бўлдилар. Қочди. Бутун Ўрта Осиёни сарсон-саргардон кезиб чиқди. Боку, Тифлиса ўтди. Собир, Мамадқулизода билан танишди. Туркия, Арабистон, Ҳиндистонда бўлди. Ота касби пичоқчиликдан ғулахчиликка қилди, шу билан кун ўтказди. Лекин она юрт меҳри яна Наманганга етаклаб келди. Келиши билан 1913 йилда Чустда усули жадид мактаби очди. Айни пайтда шеърни ҳам ташламади. «Туркистон вилоятининг газети», «Садойи Туркистон» кабиларда илгаригидан ҳам ўткирроқ, илгаригидан ҳам шиддатлироқ шеърлари кўрина бошлади. Унинг мактабини ёпдилар, юртидан яна бадарға қилдилар.

Қувди мани жоҳиллар
ўшандоғ Ватанимдан,
Лекин қува олмас
суханимни баданимдан,

деб ёзади у.

У қаламини ҳам пок тутди. Ижодда ҳам ўз маслак-эътиқодига содиқ қолди. Шоир ўз ижодига хитобан, дардоши, ҳасратдоши қаламига хитоб қилди:

Қадрдоним қалам, мардона бўлғил, вақти хизматдур,
Агар мендан кейин қолсанг, либосинг сийму зардандур.

У юрт ошиб, яна Ҳиндистонга бориб қолади. Муаллимлик қилади. Ҳақиқатгўй шоир у ерда ҳам эркин яшай олмайди. Уни инглиз полициячилари таъқиб қиладилар. Қўлёзма девонини куйдирадилар. Шоир Афғонистонга ўтади. Карвонсаройларда яшайди. Каллапазга югурдаклик қилади, ўтин теради, ўт ёқади.

У ҳамиша она Туркистон иштиёқи билан яшади. Она Ватанида юз бераётган ўзгаришни ҳадсиз соғинч билан суриштириб турди. 1919 йилда Кобулдан Тошкентга йўл олган Афғонистон вакилларига таржимон бўлиб келди ва улардан изн сўраб юртида қолди. Ўлкада кетаётган буюк ўзгаришда фаол иштирок этди. «Особий отдел»да ишлаб, босмачиларга қарши курашди, ширкатлар тузишда бош-қош бўлди. Ерсув ислоҳотида қатнашди. Айни пайтда шеърлар ёзди.

Оғир йиллар эди. Дунёнинг бешдан бир қисмини ташкил этган муаззам мамлакат бағрида тарих билмаган ўзгаришлар амалга ошмоқда эди. Муаззам Россия тўлқинлар ларзага солган ҳудудсиз уммондаги ҳайбатли кемадек чайқала-чайқала олдинга силжирди. Бу йўл ғоят сурурли бўлганидек, изтироблн ҳам эди. Мана шу давр Сўфизода шеърларида бутун мураккаблиги билан акс этди. Шоир ўшандай бир пайтда меҳнаткаш халқ билан ёнма-ён борди. Ҳам ижоди билан, ҳам фаолияти билан революция ишига, Ленин ғояларига садоқат билан хизмат қилди.

Бинобарин, у эъзоз ва ардоққа тўла ҳақли. Биринчи халқ шоири меросини тўплаш ва кенг кўламда ўрганиш, номи ва қадрини ўрнига қўйиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бўлиб турибди.

Б. ҚОСИМОВ,
филология фанлари доктори.

Рассом Ҳ. Раҳмоновнинг «Шоир Сўфизода» портрети.

В. МОЛГАЧЕВ фоторепродукцияси.

• Спорт

ТЎРТИНЧИСИ ДУРАНГ

✦ ШАХМАТ. Квебек шаҳрида жаҳон биринчилигига даъвогарлар — совет спортчиси А. Юсупов билан канадалик К. Спраггет учрашуви яна икки партиядан кейин якунланади. Тўртинчи партиянинг 18-юришида томонларнинг розилиги билан битимга келишилди. Умумий ҳисоб 2:2.

ЯНА МАҒЛУБИЯТ

✦ ВОЛЕЙБОЛ. Тошкентдаги «Юбилей» спорт саройида аёллар олий лига командалари ўртасида мамлакат чемпионатининг навбатдаги тур ўйинлари давом этмоқда. Тошкентнинг «Автомобилист» қизлари ўз имкониятларидан етарли фойдаланмаяптилар. Волейболчиларимиз ҳозирча бир ғалабага эришдилар, холос. Улар Ворошиловграднинг «Искра» командаси билан ўйинда ютқазиб (1:3), яна қимматли очколар йўқотишди.

КУРАШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

✦ БОКС. Қирғизистон пойтахтида ўтказилаётган мамлакат чемпионатида республикамиз боксчилари муваффақиятли куч синашолмаяптилар. Чунончи, М. Абдумаликов (48 кг), И. Раҳимжонов (57 кг) ва Е. Болжонов (63,5 кг)лар соврин учун курашни давом эттириш имкониятини бой беришди. Ҳозирча енгил вазнли А. Григорян билан 75 килограмм вазнли И. Бунин баҳсларни давом эттиришмоқда.

●

Лангар билан сакраш усталарининг ёпиқ майдондаги юксак кўрсаткичлари 6 метрга етди. Бундай маррани Ленинградда ўтказилган мусобақада тошкентлик Радион Гатауллин эгаллади.

СУРАТДА: халқаро классдаги спорт мастери Р. Гатауллин (ўнгда) устози В. Коган билан.

Ф. ҚУРБОНБОЕВ фотоси (ЎзТАГ).

Янгиликдан хабарингиз борми?

СССР меҳнат ва социал масалалар бўйича давлат комитети ВЦСПС билан биргаликда отпускалар тўғрисидаги қонунчиликка ўзгартириш юзасидан ўзгартишлар қабул қилдилар. Бундай ўзгартишларга шунинг учун зарурат туғилдики, унинг кўпгина нормалари эскирди ва кўпдан-кўп меҳнаткашлар категорияларн ва биринчи навбатда ишчиларнинг ҳозирги замон социал талабларига мос келмайди.

Чунончи, мана, 20 йилдирки, меҳнат отпускасининг энг кам муддати 15 иш куни бўлиб, бу ривожланган капиталистик ва бир қанча социалистик мамлакатлардаги энг кам отпускалардан ҳам оздир. Масалан, ГДРда энг кам отпуска 21 иш куни, ВХР ва ЧССРда — 3 календарь ҳафтаси қилиб белгиланган. Шу мамлакатларнинг ҳаммасида ходим отпускасининг муддати унинг умумий иш стажига қараб белгиланади.

СССР Меҳнат давлат комитети ва ВЦСПСнинг таклифларидан бири — давлат томонидан ҳар йили бериладиган энг кам меҳнат отпускасининг муддатини кўпайтиришдир.

Бундан ташқари, ходимнинг умумий иш стажи муддатига қараб отпускани кўпайтириш ҳам таклиф этилади. Масалан, агар 5 йилга қадар иш стажига эга бўлган ходим учун ҳар йили 18 иш куни миқдорида йиллик отпуска бериладиган бўлса, 5 йилдан 10 йилгача стажда отпуска 21 иш кунига кўпаяди, стаж 10 йилдан ошганда эса — 24 иш куни бўлади.

Отпускалар тўғрисидаги қонунчиликда таклиф этилаётган ўзгартишларнинг мақсадларидан бири уни тартибга келтиришдир. Ҳозирги вақтда отпускалар системаси жуда чалкаш. Бу системани ҳатто мутахассис юристлар ҳам жуда қийинчилик билан тушунадилар. Масалан, қўшимча отпускалар бериш учун 60 дан кўп асослар бўлиб, уларни турли ҳолларда қўлланиш ҳам ҳар хил. Бунга шу нарса сабаб бўлдики, министрликлар тармоқ экономикасида вужудга келадиган шароитларга қараб ўз кадрларини имтиёзлар билан, шу жумладан қўшимча отпускалар билан ҳам мустаҳкамладилар.

Бундай қўшимча «тармоқ» отпускалари натижасида шундай аҳвол юзага келдики, бир ишлаб чиқариш ходимлари гарчи бурчлари бир хил бўлмаса-да, бошқа тармоқ ишлаб чиқариш ходимларига нисбатан икки-уч баравар узоқ муддатли отпуска олдилар.

Таклифлар барча тармоқларнинг ходимлари учун қўшимча отпускаларнинг ягона изчил системасини яратишга қаратилган. Бу система меҳнат ҳиссасини ва меҳнат шароитини ҳисобга олиши керак.

ДАМ ОЛИШ ВА ИМТИЁЗ

СССР Давлат меҳнат комитети ва ВЦСПС ҳомиладорлик ва туққандан кейинги ҳақ тўланадиган отпуска муддатини, жумладан болага қараш учун иш ҳақи тўланмайдиган қўшимча отпуска ва ҳақ тўланадиган отпуска муддатини узайтириши таклиф этадилар.

Шунингдек, 14 ёшгача боласи бўлган ишлайдиган аёлларга ҳақ тўланадиган қўшимча отпуска бериш ҳам таклиф этилади. Бу отпусканинг муддати болаларнинг сонига боғлиқ бўлади.

Иш ҳақи тўланмасдан отпуска бериш ҳақидаги таклифлар ҳам бирмунча диққатга сазовор. Масалан, ходимнинг илтимосига кўра оиланинг касал аъзоларига қараш учун албатта отпуска бериш таклиф этилади. Агар йиллик ҳақ тўланадиган отпуска фойдаланилган бўлса, ёки даволаниш кунлари учун камлик қилса, бундай отпуска медицина муассасалари томонидан ёки санаторий-курортда ё бўлмаса амбулаторий-курортда йўлланма бўйича даволаниш учун берилади.

Ҳозирги вақтда СССР давлат меҳнат комитети ва ВЦСПСнинг таклифлари иттифоқдош республикалар Министрлар Советларида, министрликларда, идораларда кўриб чиқилмоқда.

Меҳнат тўғрисидаги қонунчиликка ўзгартишлар киритилиши халқ хўжалигида яна 1 миллиард сўмлик қўшимча харажат билан боғлиқдир.

Меҳнат отпускалари муддатининг кўпайтирилиши иш вақти умумий фондининг қисқаришига олиб боради.

Шунинг учун отпускаларнинг янги системасини жорий этиш муддатлари меҳнат унумдорлигини ошириш суръатларига, чиқарилаётган маҳсулот ҳажмини кўпайтиришга, яъни бизларнинг ҳаммамиз қандай ишлашимизга боғлиқ.

Т. БОКОВА,
Ўзсовпрофнинг ҳуқуқий ишлар бўлими мудири, Меҳнат бош ҳуқуқий инспектори.

• *Диққат: атроф-муҳит муҳофазаси*

ЗУҒУМ ҚИЛМАНГ

Табиатни муҳофаза қилиш инсонни муҳофаза қилиш дегани. Бироқ Наманган областида ана шу муҳим соҳа унутиб қўйилаётгани ташвиш туғдиряпти. Область халқ контроли комитети яқинда саноат корхоналарида ўтказилган атроф-муҳитни муҳофаза қилиш аҳволини текшириш натижаларини муҳокама қилиб шундай хулосага келди.

Областда мавжуд сув тозалаш иншоотларидан фойдаланиш ниҳоятда ёмон. Ана шу мақсадлар учун ажратилган капитал маблағлар вақтида ва тўла ўзлаштирилмаяпти. Сув ҳавзаларига яхши тозаланмаган ифлос, оқава сувларни ташлаш, ҳавони заҳарлаш, ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун тоза ичимлик сувини кўплаб исроф қилиш ҳоллари деярли назорат қилиб борилмаяпти.

Тўрақўрғон районидаги паррандачилик фабрикасида аҳвол ташвишли. Тозалаш иншоотлари, оқава сувлар тиндириладиган ҳавзалар ишламаяпти. Шу сабабли корхонада кейинги ўн ойда 11 минг куб метр тозаланмаган ифлос сув канализацияга оқизиб юборилди.

Фабрика директори О. Раимов корхона фаолиятига бир ёқлама муносабатда бўляпти. У ўз вазифасини ишлаб чиқаришни ривожлантириш, планларни бажаришдангина иборат, деб билмоқда. Барча маблағлар ана шу ишларга сарфланаётгани сабаби шундан.

Фабрикадаги бешта бетон ғўнғхонага ер ости сизот сувлари сизиб киргани сабабли ундан фойдаланилмай қўйилган эди. Мослаштирилган учта ғўнғхона эса бу йирик корхона учун камлик қилмоқда. Маъмурият эски ғўнғхоналарни ремонт қилиш ёки янгиларини қуришга эса маблағ ажратмади. Корхона раҳбарлари бунинг ўрнига фермалардан чиққан чиқиндилар аралаш сувни ариқларга оқизишни афзал кўришди.

Наманган ёғ-экстракция заводида кейинги икки йил ичида табиатни муҳофаза қилиш ишларига 441 минг сўм сарфланган эди. Бироқ бу маблағ беиз кетди. Чанг ушлагич, циклон ва бошқа технологик қурилмалар яхши ишламаётир. Корхона ҳамон ҳавони заҳарлаб турибди. Завод тўққиз ой ичида ҳавога 1082 тонна ёки бурноғи йилдагидан 20 тонна кўп чанг ва газсимон моддалар чиқариб юборди. Корхона ана шу давр ичида белгиланганидан 128,6 минг куб метр тоза сувни кўп ишлатди.

Умуман, ўтган йили областдаги «Электротерм» Ўзбекистон ишлаб чиқариш бирлашмаси бош заводи, химия, сут ва ёғ-экстракция заводлари миқдорида хлорид ва сульфат концентрати нормадагидан 20 бараваргача кўп бўлган ифлос сувларни канализацияга оқизиб юборишди. Ажабланарлиси шундаки; область «Водоканал» ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи М. Ғанижонов ана шу корхоналар тупроқ ва сув ҳавзаларини булғатаётгани билан муроса қилиб келяпти.

Область халқ контроли комитети текшириш натижаларини муҳокама қилиб, атроф-муҳитга етказилаётган зарарни йўқотиш учун таъсирчан чоралар кўрмаётгани ва бу соҳада фаолиятсизлик кўрсатаётгани учун Тўрақўрғон паррандачилик фабрикаси директори О. Раимовга, Наманган ёғ-экстракция заводи бош инженери К. Лутфуллаевга ҳайфсан эълон қилди.

Халқ контроли органининг табиатни муҳофаза қилишни ўз назорати остига олгани яхши, албатта. Аммо табиат ғоратчиларига нисбатан кўрилган жазо улар атроф-муҳитга етказаётган зарар олдида жуда ҳам кам. Область партия ва совет ташкилотлари бу масалани жиддий муҳокама қилиб, айбдор шахсларга нисбатан қаттиқ чоралар кўришлари, табиатга зарар етказишга қатъиян барҳам бериш чораларини кўришлари зарур.

Р. ҚОДИРОВ.

ЭЪТИБОРНИ ТИЛ МАСАЛАЛАРИГА ҚАРАТАЙЛИК

Техника воситалари билан жиҳозланган кўчма лингафон автобус-синфи тез орада дастлабки ўқувчиларни қабул қилади. Унда рус тилида ўқитиладиган мактабларнинг ўқувчилари ўзбек тилини ўрганадилар. Тошкентдаги Куйбишев район партия комитети ҳузуридаги фан-техника тараққиётига кўмаклашувчи кенгаш билан районда икки тиллилик ва кўп тиллиликни ўрганувчи комиссиянинг мажлисида шундай синф ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Халқ депутатлари ижроия комитетларининг, район халқ таълими бўлимининг, саноат корхоналарининг, ўқув юртларининг, илмий муассасаларнинг вакиллари иштирок этган мажлисда Куйбишев райони мактабларида ўзбек ва рус тилларини ўрганишни яхшилаш масалалари муҳокама қилинди. Турли миллатларнинг вакиллари ҳар хил ташкилотларга мазкур муаммони ҳал этишга доир таклифлар билан тез-тез мурожаат қилаётганликлари қайд этилди. (ЎзТАГ).

• *Суд залидан*

Ҳужжат ўғриси

Гулистон район халқ суди Ленин номли колхоз клубида 1928 йилда Андижонда туғилган Каримжон Жўрабоевга тегишли жиноий ишни кўриб чиқди. Яқин-яқинларгача уни кўпчилик Бозорбой Юнусов деб биларди.

— 1953 йилда Гулистон районидаги «Коммуна» колхозида яшардик, — деб гувоҳлик беради Бозорбой ота Юнусов. — Кунларнинг бирида хонадонимизга кутилмаган меҳмон кириб келди. Ўзини Азизжон деб таништирди. Андижондан эканлигини айтди. Тузимизни ичиб, тузлуғимизга тупуриб кетди. Энди билсак, унинг исми-шарифи ҳам бошқа экан.

— Бозорбой Юнусов билан танишиб, шу кишининг уйида яшаб юрдим ва ишладим, — айбига иқрор бўлди. Каримжон Жўрабоев. — 1953 йилда Б. Юнусов Тошкентга кетган пайтда унга тегишли бўлган туғилиш гувоҳномасини, Вольский социал таъминот бўлими томонидан ва 1945 йилда эвакогоспиталдан берилган справкаларни ўғирлаб кетдим. Шундан бери Ленин номли колхозда ишлаб келдим. Б. Юнусов фамилиясида уйландим. Ўғли фарзандим бор. Ҳаммаси Юнусов фамилиясида. 1982 йилдан 1988 йилгача Б. Юнусов фамилиясида қарилик ва уруш инвалиди пенсиясини олиб келганман. Келтирилган зарардан, яъни 3765 сўм 34 тийиндан 3100 сўмини давлатга тўладим, қолганини ҳам тўлайман. Қилган жиноятимдан пушаймонман. Бозорбой Юнусовдан узр сўрайман.

Ҳа, ўттиз беш йил деганда фирибгарнинг сири фош бўлди. У одил судлов олдида қилмишига яраша жазоланди. Ўғирланган ҳамма ҳужжатлар эгасига қайтарилди.

У. ЮСУПОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

МАДАНИЯТ ХОДИМЛАРИНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ РЕСПУБЛИКА ИНСТИТУТИ

вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Кафедра мудирлари: ижтимоий фанлар ва маданият иқтисодини бошқариш (фан доктори ёки кандидати), санъат ва маданий оқартув ишлари (фан доктори ёки кандидати), кутубхонашунослик ва библиография (фан кандидати);

доцентлар: мутахассислик бўйича: фалсафа, педагогика ва психология, маданий-оқартув ишлари, кутубхонашунослик, библиография.

катта ўқитувчилар: мутахассислик бўйича — илмий атеизм, ҳуқуқшунослик, сиёсий иқтисод, ҳисоблаш техникаси, маданий-оқартув ишлари (2), кутубхонашунослик, библиография, музика назарияси, халқ чолғу асбоблари.

ўқитувчилар: мутахассислик бўйича — маданий оқартув ишлари, кутубхонашунослик.

Конкурсда ўзбек ва рус тилларида мулоқотда бўлувчи, ҳамда иш тажрибасига эга бўлган мутахассислар қатнашиши мумкин.

Конкурс муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: Тошкент шаҳри, А. Толстой кўчаси, 3-уй.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг БИООРГАНИК ХИМИЯ ИНСТИТУТИ **эксперименталь-технология лабораториясининг мудири вакант вазифасига КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

Конкурс муддати — эълон чиққан кундан бошлаб 20 кун.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга жўнатилсин: Тошкент шаҳри, 143-алоқа бўлими; Максим Горький проспекти, 83-уй.

МАНФААТДОР КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР, КОЛХОЗЛАР, КООПЕРАТИВЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ВА МУТАХАССИСЛАР ДИҚҚАТИГА!

СССР илмий ва инженерлар жамиятлари Союзининг республика правлениеси қошида ташкил этилган «Ижодкор» хўжалиқ ҳисобидаги илмий-техника хизмати кўрсатиш Маркази

муайян ишлаб чиқариш ва социал муаммоларни ҳал қилишда ёрдам бериши мумкин.

Марказ тузиладиган шартнома асосида корхоналарга ўз хизматини таклиф этади. Бажариладиган ишлар баҳоси ва муддатлари томонларнинг келишувига мувофиқ белгиланади.

Марказ вақтинчалик ижодий комплекс бригадалар составида ишлаш учун (асосий ишдан бўш вақтларда) мутахассислар, илмий ва инженер ходимлар, юқори малакали ишчиларни таклиф этади.

Марказ адреси: 700000, Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 48-уй. Телефон: 33-81-95.

Ташкилотлар, корхоналар колхозлар ва совхозларнинг раҳбарлари диққатига!

450-ХУЖАЛИКЛАРАРО МЕХАНИЗАЦИЯЛАШГАН КЎЧМА КОЛОННА **(450-МПМК)**

автокранчилар, умумий қурилиш касбидаги ишчиларни (меҳнатга ишбай мукофотли тарзда ишнинг кўчма хусусиятига кўра қўшимча яна 20 процент ҳақ тўланади)

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Бизнинг адрес: Тошкент области, Калинин райони, Қўйлиқ посёлкаси, Транспорт кўчаси (метронинг «В. И. Ленин номидаги майдон» станцияси, 155-маршрут таксиси, Қўйлиқдан 177-автобус билан «Медсанчасть» бекатигача борилади).

ТЕЛЕТОМОШАБИНЛАР ДИҚҚАТИГА

29 январь, якшанба куни соат 15 да республика телевидениесининг биринчи программаси орқали «Пахта монокультураси ва уни бартараф этиш йўллари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида бўлиб ўтган агросаноат комплекси муаммоларига бағишланган кенгаш тўғрисидаги ҳисобот» кўрсатувини кўришга таклиф этамиз.

●

Театр

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 28/I да **Куёв**, 29/I да **Нажот истаб**, (12.00). **Абдулла Қодирийнинг ўтган кунлари** (19.00).

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ишлар мудирлиги аппарати коллективи СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Ўзбекистон ССР бўйича дин ишлари вакили У. А. Рустамовга отаси

Аъзамхон РУСТАМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Редактор **У. УСМОНОВ.**

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-15-20, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади.

Р — 11548. Б. — 22. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12